

1930 йил
12 майдан
чиқа
бошлаган



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ НАШРИ

№ 70 (3300)

1999 йил 13 август, жума

Сотувда эркин нархда

Бош муҳаррир минбари

ЭРТАНГИ КУННИ БУГУНДАН ЯРАТАМИЗ

Азиз муштарийлар!

Ёдингиздами, кунлардан бир кун уйқудан уйғониб бекаму кўст жамиятда, мўл-кўлчилик ҳукм сурган, пул ҳам, навбат кутиб туриш ҳам бўлмайдиган жамиятда яшашимизга ваъда беришгани. Аммо ваъда қилинган нарсаси ҳар қанча интильмайлик, уфқ каби биздан олислаб кетаверди. Шунга қарамай баландпарвоз шиорлар таъсирида моторсиз самолётда у томон елавердик, пировардида фақат юлдузлар билан тўқнашдик. Юлдузлар сони эса ҳар гал кўпайиб борди ва, табиийки, улар юлдузсевар доҳийларимиз кўксига порлайверди.

Моторсиз самолётдаги бу парвозимиз қандай оқибатларга олиб келгани ҳаммамизга маълум. Биз ростдан ҳам навбат кутиб турилмайдиган жамиятга тушиб қолдик. Билъакс, Мирзачўл каби хувиллаб ётган, бўм-бўш дўконларда навбатга туришнинг ҳам ҳождати қолмаган эди-да. Шунда биз уйғониб кетдик. Уйғонгач келгусида бундай яшаш мумкин эмаслиги, турғунликнинг чалкаш йўлидан чиқиб олишнинг вақти келгани ва умуминсоний қадриятлар мужассам оламга қайтиш, тараққиёт сари бориш кераклигини англаб етдик.

Мана, саккиз йилдирки, мустабид тузум сарқитларидан озод бўлиб, ривожланишнинг ўзимиз танлаган йўлидан бораёпмиз. Мамлакатимизда мустақиллик қўлга киритилган шу қисқа вақт ичида нималарга эришдик?

Бу саволга Президентимиз Ислам Каримов ўзининг "Ўзбекистон XXI асрга интиломда" деб номланган маърузасида аниқ жавоб бердилар. Дунё харитасида, дея таъкидлади юртбошимиз, жаҳон ҳам-жамияти томонидан тан олинган янги давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди. Биз ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш, мамлакатнинг бутун салоҳиятидан ўз халқимиз ва унинг келажаги манфатлари йўлида фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлдик. Шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси кундан кунга ўзгармоқда, иқтисодиёт ва жамиятда шахсий мулк ва мулкдорларнинг, тадбиркорларнинг мавқеи ва ўрни мустаҳкамланмоқда. Йирик иншоотлар қурилгани, ёқилғи ва галла мустақиллигига эришилгани, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, изчил ўсиш суръатлари, макроиктисодий барқарорлик, одамларнинг моддий ва ижтимоий ҳаётидаги сезиларли ижобий ўзгаришлар – буларнинг бари биз танлаган тараққиёт йўлининг тўғрилигини тасдиқловчи далиллардир.

Юртбошимиз мустақиллик йилларида эришилган ютуқларнинг бир қисmini айтиб ўтдилар, холос. Ҳатто шунинг ўзида ўтиш даврининг асосий тамойили ва устувор йўналишларини вужудга келтириш бўйича олиб борилаётган савий-ҳаракатлар, ўз қўли билан ҳақиқий келажагини яратётган миллионлаб кишиларимизнинг фидокорона меҳнати, хоҳиш-иродаси ва идрок ифодаланган.

Ўзимиз танлаган ривожланиш йўлидан олға боришимиз давом этмоқда. Яқинда Республика Вазирлар Маҳкамасида биринчи ярим йилликдаги иқтисодий ислохотларнинг якунига бағишлаб ўтказилган мажлисда Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, ўтган олти ой ичида жамиятимиз янгиланиши, макроиктисодий барқарорликка эришиш, мамлакат иқтисодининг деярли барча соҳаларида изчил ривожланишни таъминлаш борасида яна бир муҳим қадам қўйилди.

Бу эса жорий йилда мазкур йилнинг асосий устувор йўналиши – аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилиш, ислохотлар жараёни енгизадаги етакчи принципни ҳаётга муваффақиятли жорий қилишга етарли шароит яратиб берди.

Бугунги кунда ушбу шароитларни амалда қўриб турибмиз. Президентимизнинг Фармонида биноан 1 августдан бошлаб ўртача иш ҳақи, стипендия ва нафақалар 1,4 баравар оширилди, агар январь ойида ҳам оширилгани инобатга олинса бу 1,7 бараварни ташкил этди ва пулнинг қадрсизланиш суръатидан уч баравар ўзиб кетди. Давлатимиз томонидан ойлик маошни ошириш мақсадида бюджетдан қўшимча 50 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Бундан ташқари, биринчи ярим йиллик давомида аҳолининг ёрдамга муҳтож қисmini ижтимоий ҳимоя қилишга 19 миллиард сўмга яқин маблағ йўналтирилди. Бугунги кунда давлатимиз қўллаётган кучли ижтимоий сиёсат туфайли фарзандлари 16 ёшгача бўлган миллиондан ортиқ оилалар, 260 мингдан ортиқ кам таъминланган оилалар ва боласи икки ёшгача бўлиб, ишламаётган 540 минг нафарга яқин аёллар ижтимоий қўллаб-қувватланмоқда.

Ижтимоий ҳимоя бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар орасида айниқса аҳолини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш, биринчи навбатда қишлоқ жойларига етказиб бериш бўйича ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаёпти.

Биз бундан саккиз йил олдин мустабид тузумнинг чалкаш йўлидан чиқиб олдик, мустақилликни қўлга киритиб, ривожланишга ўз йўлимизни белгилаб олдик. Ва бу йўл бизни халқнинг кучли ижтимоий ҳимоя қилиниши, турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсишига олиб келди.

Эришилган ютуқлар шунинг кўрсатиби турибдики, Ўзбекистон халқлари ўзларининг фидокорона меҳнати билан буюк келажаkning эртанги кунини бугундан яратмоқда.



«ПАХТАКОР-79»: УЛАР ҲАМ ЎЗ ВАҚТИДА ВАТАН ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛГАНЛАР

Миннатдорчилик

Яқинда бўлиб ўтган бир ҳодиса менинг инсонларга бўлган ишончимни мустаҳкамлабгина қолмай, шундай юртдошларим борлигидан қалбимда фахр туйғусини ҳам алангалатиб юборди...

Чилонзордаги бекатлардан бирида автобус кута-кута зерикдим ва сумкамда олиб юрган китобни олиб, ўқий бошладим. Қизиқиб кетиб, ёнимга келиб тўхтаган автобусни пайқамай қолибман. Шошилиб автобусга чиқдим, уйимга келиб, юқларимни жойлаштираётганимда кичкина сумкачам йўқлигини сездим, шу заҳоти уни бекатда қолдирганим ёдимга тушди. Шу пайтдаги ҳолатимни тасаввур қилинг: сумкачада икки юз минг сўм пул, жавоҳир кўзли тилла узук ва паспортим бор эди!..

Мен буюмларимдан умид уздим – шунча нарсани топиб олган одам уни ўз қўли билан қайтиб бермас, деб ишондим. Лекин... кечга томон дарвозамни тақиллатиб келган нотаниш аёл ва ўғли менинг фикрларим хато эканини, дунёда иймонли, диёнатли одамлар кўпчилигини исботлаб бердилар.

Ўзини Махбуба Тўлаганова деб таништирган аёл ўғли Тоҳиржон билан менинг сумкачамни ичидаги буюмлар билан топиб олиб, бир сўмга хиёнат қилмай, уйимни сўраб-суриштириб, топиб келишибди...

Мен Чилонзорнинг 20-мавзесида яшовчи, 400-боғчада ишловчи Махбуба опа Тўлаганова ва унинг ўғли Тоҳиржонга менинг энг сеvimли газетам — "Постда" орқали миннатдорчилик билдириш билан бирга, одамлар, ораимизда ана шундай самимий, иймонли инсонлар кўп! — дегим келди...

Холида МИРСАЛИМОВА.

Ҳаётни икки эшик орасидаги масофага қиёслашади. Чиндан ҳам шундай, дунёга келдигми ана шу икки эшик орасидаги йўлни қандай босиб ўтишинг энг муҳими саналаркан. Кимдир эзгу ишлар қилиб, ўзидан яхши ном қолдиради. Яна кимдир солиҳ фарзандлари туфайли раҳматлар олади, кимдир яхши дўст бўлади.

Одатда милиция ходимларига нисбатан салбий фикр кўп айтилади, негадир бизни тасаввуримизда улар ўз касбини суиистеъмол қиладиган, шафқатсиз кишиларга ўхшаб туюлади. Тўғри, гуруҳнинг ичида курмаги ҳам бўлганидек, ана шундайлари ҳам бордир, лекин ўз касбига садоқатли, виждонли, соф милиция ходимлари жуда кўпчилигини ташкил қилар экан.

Водийнинг чекка бир қишлоғидан пойтахтга илм излаб келдим. Орзуларим амалга ошмади: олийгоҳдан ноумид қайтдим. Қишлоққа қайтишни ўзимга ор деб билдим, ишга кирдим. Танишлар орттирдим, ҳаётим бир маромда давом эта бошлади. Лекин бу жимгина ҳаётим узокқа чўзилмади: иш жойимда қисқартиришга тушдим. Ана шундай ташвишли кунларим менга қимматга тушди. Уйга қайтиш ниятида шохбекатга келдим, бир неча дақиқа вақт чипта суриштириш билан оввора бўлиб қолдим ва ана шу вақтда олғирларга сумкам билан бирга барча ҳужжатларимни ўғирлатдим. Жуда қийин ҳолатга тушиб қолдим, шунда менга ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак берадиган инсонлар топилиди. Акмал Икромов тумани ИИБ бошлиғи муовини, милиция майори Исоқжон Турғунов, паспорт бўлими хизматчилари – милиция майори Маҳмуд Тўхтаев, милиция катта лётенанти Файрат Тошев яқиндан ёрдам бердилар. Уларнинг ёрдам сўраб келувчиларга бўлган муносабати, муомаласи мени жуда қувонтирди. Юқорида номлари зикр этилган инсонларнинг барчасига ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни билдираман, доимо соғ-саломат, ўз касбига мана шундай фидойи бўлиб қолишларини тилаб қоламан.

Гули НЎМОНОВА.



ЖУРНАЛЛАРИМИЗНИНГ
ЯНГИ СОНЛАРИ
БОСМАДАН ЧИҚДИ



73
ГУВОҲДАГИ
ГУВОҲНОМА

ЕР ФАРЗАНДИ

Севимли шоиримиз Абдулла Орипов биринчи ўзбек фазогири Солижон Шарипов ҳақида бир шеърларида "Улуғбек бобосининг юлдузларини кўриб, хол-аҳволини сўраб келди" деб лутф этибдилар. Яъни, ўзбекининг космосга фикрий парвози бундан неча аср бурун бошланган эди.

Тўғри, биз қорақўз ўзбек йигитининг жаҳондаги энг тараққий топан мамлакатлар фуқаролари билан бирга самога парвоз қилганидан фахрланамиз. Аммо фазогирлар фалакнинг олис-олис бурчакларида кезиб юрганларида, аввало, ўзларини Ер фарзанди деб ҳис қилсалар керак. Яна қайдам. Ҳар ҳолда яқинда Миллий Матбуот Марказида Россия космонавт-учувчиси, Қирғизистон қаҳрамони, "Буюк хизматлари учун" ордени нишондори Солижон Шарипов билан учрашувдан менда шундай таассурот қолди. Унга қайси мавзуда савол беришмасин, гап айланиб инсониятнинг тақдири, макони муштараклигига келиб тақалаверди.

Журналистлардан бири "Сиз ўзингизни қайси мамлакат фуқароси деб ҳисоблайсиз?" деб сўраганида, у "Мен ўзбекман, Қирғизистонда туғилганман, Россия фуқаросиман" деб жавоб берди. Бу нон-туз қадрини биладиган ҳақиқий эр йигитнинг жавоби бўлди.

Мана бир неча йилдан буён у "Ўзбеккосмос" агентлиги "Коинот" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ёзги аэрокосмик мактабида иқтидорли ёшларга космос сирларини ўргатиб келяпти. Гарчанд у "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланишини камтарин хизматларига ҳалқимиз, унинг Президенти берган юксак баҳо деб атаган бўлса ҳам, аслида ўзбек но-

мини яна бир бор жаҳонга танитиши, мамлакатимиз космонавтика фани ривожига қўшган муносиб ҳиссаси билан бу мукофотга ҳақли равишда сазовор бўлди.

Учрашувда "Коинот" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош конструктори, Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси, Нью-Йорк ФА, Халқаро Муҳандислар академияси, Россия космонавтика академияси академиги Ш.Воҳидов мамлакатимизда космонавтика соҳасида олиб борилаётган илмий, амалий изланишлар ҳақида гапирди. У жумладан, бу фан ютуқларидан ер ости бойликлариимизни тадқиқ этиш, фавқулодда вазиятларни ўрганиш, экологик фалокатларнинг олдини олишда муваффақият билан фойдаланилаётгани устида тўхталди. Унинг, аynиқса, яқин йилларда юртимиз ўзига тегишли Ернинг сунъий йўлдошига эга бўлиши мумкинлиги ҳақида мулоҳазаси йиғил-

ганларни тўлқинлантириб юборди.

Солижоннинг учар лиқопчалар, ўзга сайёраликлар ҳақида саволга жавоби мени ўйга толдирди. У: "Ўзим уларни кўрмаганман, лекин борлигига ишонгим келади. Балки биз ҳали тараққиётда, аввало маънавий тараққиётда, ўзаро муносабатда улардан орқададирмиз. Шунинг учун улар камол топишимизни кутиб, ҳозирча биз билан мулоқотга киришишмаётгандир..." деди. Балки...

Учрашув сўнггида биринчи ўзбек космонавтига эсдалик совғалари топширилди. Совғалар орасида Президентимизнинг китоблари, Амир Темур бобомизнинг бюстлари, қаҳрамон шоиримиз А. Ориповнинг "Бедорлик" шеърлар тўплами ҳам бор эди. Узоқ юртларда улар қондошимизга она халқини эслатиб туради. Зеро, Солижон Россия фуқароси, лекин у ўзбек ўғлонидир.

Бобомурод ТОШЕВ.

МАНГУ БАРҲАЁТ ЙИГИТЛАР...



Милиция ходимларининг ҳалок бўлиши нафақат уларнинг ота-онаси, қариндошлари, ёру биродарлари, балки юртимиз осойишталигини таъминлаш мақсадида ёнма-ён туриб, машаққатли, баъзан эса хатарли хизмат вазифасини ўтаганлар учун ҳам катта йўқотишдир.

1999 йил 6 август куни хизмат бурчини бажараётиб, ҳавфли жиноятчиларни қўлга олиш пайтида 1970 йилда туғилган, Тошкент шаҳар ИИББ пост-патруль хизмати экипажи сардори, милиция старшинаси **Ботиржон Ҳолматович Ризаев**, 1973 йилда туғилган, юқоридаги бўлинма милиционер-ҳайдовчиси, милиция сержанти **Олим Набиевич Мухамедов**лар қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар.

Марҳумларнинг қариндош-уруғлари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирамиз.

Жасур ва мард ходимларнинг ёрқин хотираси бир умр хотирамизда сақланади ҳамда жиноятчиликка қарши муросасиз курашда сабоқ бўлиб қолади.

Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

ХИЗМАТ КИЙИМИ – ХОДИМНИНГ ФАХРИ

Мундир, хизмат кийими дейишимиз билан кўз олдимизда оҳорлик камар боғлаган, зарҳал погон таққан, ялтираган этиклариди куёш акс этган азамат жангчилар гавдаланади. Қадимдан мундир эгасининг бирор давлат хизматига тааллуқлилигини: кўпинча ҳарбийлигини ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораси ходимлигини билдирган. Илгари ҳам шундай бўлган, ҳозир ҳам шундай. Албатта, ҳар бир тарихий давр ўзига хос, ўзига тегишли ижтимоий ва бошқа хусусиятларни акс эттиради. Буларнинг барчаси у ёки бу даражада давлат хизмати вакилларининг кийим-бошида ҳам акс этади. Ички ишлар идоралари ходимлари учун янги кийим-бошлар намуналари яратиш билан боғлиқ ишларнинг айрим йўналишлари ҳақида Ўзбекистон Республикаси ИИБ Моддий-техника таъминоти бошқармаси бошлигининг ўринбосари, ички хизмат майори **У. Саатов** куйидагиларни ҳикоя қилиб берди:

– Дастлаб атамаларни аниқлаб олсак. Хизмат кийим-боши бу ички ишлар идоралари шахсий таркиби учун белгиланган мундирлар, анжомлар ва фарқловчи белгилар мажмуидир. У ходимларнинг қайси хизматга тааллуқлилигини, ҳарбий ва махсус унвонини билдиради, уларни интизомли қилади, турли шaroитларда хизмат вазифаларини бажаришда уларга қулайлик яратди. Республика ИИБнинг барча шаходатланган, ҳақиқий хизматдаги ходимлари хизмат кийим-бошини кийиб юриш ҳуқуқига эга. Кийим-бош белгиланган қоидаларга мувофиқ тайёрланади ва кийилади. Яна бир муҳим эслатма: ички ишлар идоралари шахсий таркиби учун хизмат кийим-боши ва фарқловчи белгиларни Ўзбекистон Республикаси Президенти, уларни кийиш, тақиш қоидаларини эса Ички ишлар вазири тасдиқлайди.

Истиклолимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб, биз илгаридан мавжуд хизмат кийим-боши даври ўтганлигини, тезкор-хизмат вазифаларини

бажариш учун зарур ҳамма хусусиятларга эга эмаслигини назарда тутиб миллий хизмат кийим-бошини яратиш устида жиддий излана бошладик. Бунда миллий ва тарихий анъаналар, янги технология, турли хизмат талаблари, эстетик томонлар ҳисобга олинди. Ўзбекистоннинг Давлат Байроғи ва Герби қабул қилинган, бошқармаимизнинг тегишли хизматлари хизмат кийим-боши учун дастлабки рамзий белгилар – фарқловчи белгилар, тугмалар, хизмат белгилари, кокардалар, погонлар, кўкракка ва енгга тақиладиган белгилар (шевронлар) ишлаб чиқилди.

1994 йилда республика ИИБ қатор бошқармалари раҳбарларидан иборат комиссия тузилди. Комиссия тарихий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда ички ишлар идоралари ходимлари ва ички қўшинлар ҳарбийлари хизмат кийим-бошларини янги давлат рамзаларига мувофиқлаштириш билан шуғулланди. Янги кийим бошнинг турли иқлим шароитлари, хизмат турлари талабларига жавоб бериши лозим-


лигига асосий эътибор қаратилди. Хизмат кийим-бошига куйидаги талаблар қўйилди: ходимлар учун қулайлик, кийим-бошнинг ҳар бир қисми функционал ва иқтисодий жиҳатдан асосланган бўлиши. Турли хизмат вакилларининг ф и к р л а р и

ўрганилди ва умумлаштирилди, натижаларга кўра янги кийим-бошлар ва атрибутикалар намуналари бўйича ишларнинг асосий йўналишлар ва тамойиллар белгиланди.

Жорий йил бошида Тошкент шаҳрида жамоат тартибини ва ҳавфсизлигини таъминлаш концепциясини амалга ошириш бошланди. Тадбирлар сирасида Тошкент шаҳри ИИББ йўл-патруль, патруль-пост ва профилактика хизматлари учун кийим-бошлар ишлаб чиқиш ва тайёрлаш кўзда тутилган эди.

Республика моделлар уйи, "Ўзбекистон Дизайни" фонди, "Ўзбекенгилсаноат" ассоциацияси билан ҳамкорликда турли мамлакатларнинг хизмат кийим-бошлари ўрганилиб, амалий соҳа ходимларининг фикрлари ҳисобга оlinиб, турли рангдаги ва техник хусусиятга эга бўлган матолардан турли мавсумга мос янги хизмат кийим-бошлари, погонлар, белгилар тайёрланди. Бунда республиканинг хом ашё ва саноат базаси ҳисобга олинди.

Мамлакатимиз Президенти Девонига тақдим этилган



сўнгги намунадаги кийим-бош, пойабзал, фарқловчи белгилар, фарнитуралар маъкулланди. Хабарингиз бор, жорий йилнинг 15 июлидан пойтахт ИИББ йўл-патруль хизмати ходимлари хизматга янги намунадаги кийим-бошда чиқдилар. Бошда унга кўз ўрганиши кийин бўлгандир, аммо бугунга келиб у нафақат ходимларга, балки шаҳар аҳолисига ва меҳмонларига ҳам маъқул бўлди.

Келажакда келаси йилдан бошлаб ИИБнинг барча шахсий таркиби режали равишда янги кийим-бошга ўта боради. Бу жараён 2003 йилда тугалланади. Кийим-бошларни тақиш, фарнитураларни тайёрлаш маҳаллий корхоналарда амалга оширилади. Хом ашё ва зарур материалларни Ўзбекистонда ишлаб чиқиш кўзда тутилган, импортдан бутунлай воз кечмоқчимиз. Буюртмаларимизни бажарувчи корхоналарни "Ўзбекенгилсаноат" ассоциацияси билан ҳамкорликда танлов асосида аниқлаймиз. Асосий мезонлар – тайёрланадиган маҳсулот сифати, бизга маъқул тўлов баҳолари.

ҚАДАҲЛАР ЧИЛ-ЧИЛ С И Н М А С И Н

Доно халқимиз "Кенгашли тўй тарқамас" деб бежиз айтмайди. Дарҳақиқат, инсон энг яхши кунда ҳам дўстлари даврасига шошади, энг оғир кунларида ҳам дўстлари унга далда беради. Баъзан дўстлик учун кўтарилган қадаҳлар чил-чил синиши, меъёридан ортиқ ичилган спиртли ичимлик таъсирида биргина айтилган оддий сўз ҳам дўстлар ўртасидаги биродарлик ришталарини узиб, уларни жиноят сари етаклаши мумкин эканлиги кишини даҳшатга солади.

Мирсодиқ (исмлар ўзгартирилган) ҳам хотини ва уч фарзанди билан тинч-тотув ҳаёт кечираётган эди. Ҳаммасига ичкилик сабаб бўлди. Аввалига шунчаки дўстлар даврасида кўнгул чигалларини ёзиш учун оз-оз ичиб юрди. Аммо бора-бора умуман ичкиликсиз тура олмай-диган бўлиб қолди. Хотини ҳам бир шиша ароқнинг қулига айланиб қолган эрининг кайфу сафоларидан, хархашаларидан безор бўлиб фарзандларини олиб отасиникига кетиб қолди.

Ўша куни Мирсодиқ эрта-лабдан "газак босди" қилди. Сўнгра "Рудник" тошларини тешишга тоққа боришларини айтиш учун кечга яқин Сафар ака-никига йўл олди. Сафар ака ёши бира жойига бориб қолган бўлса-да, ҳақиқатча табиини бир ишнинг бошини тутмаган, ҳар турли меҳмоннавозликлардан бўшамасди. Бемаҳалда эшик кўнғирогининг жиринглаши Сафар акани сергаклантирди. Кечаси ташриф буюрган меҳмон ким эканлигини билиш учун эшик томон йўналди. Қараса, останада эски қадрдон ухахони Мирсодиқ турарди. Ичкарида меҳмондорчилик авжидалигини билиб Мирсодиқ орқага қайтиб кетмоқчи бўлди. Аммо кайфи ошиб қолган Сафар ака-ники кистови билан ичкарига киришга мажбур бўлди.

Даврада меҳмонлар биринкетин қадаҳ уриштириб, бир-бирларига узундан-узқок тилаклар билдиришарди. "Иссиқ ўрнимиз совимасин", "Дўстлигимиз абадий бўлсин" деган ти-

лақлар қайта-қайта такрорланар эди. Кайфи ошиб, кўзлари кизарган Мирсодиқ:

– Сафар ака, эртага ҳар қандай зарур ишингизни йиғиштириб, мен билан бирга тоққа тош тергани борасиз, хизмат ҳақингизни, келишилганидек, кейин оласиз, – деди.

Бу гапдан меҳмонлардан бирининг жаҳли чиқиб:

– Сен отанг тенги одамга буйруқ бергани уялмайсанми? Ёки шунчалик пулинг кўпайиб, ёши улуг бир кишини ёллаб ишлатасанми? – деди.

Мирсодиқ бунни ўзи учун ҳақорат деб қабул қилиб меҳмоннинг елкасидан ушлади. Бир зумда "собик" дўстлар ўртасида жарлик пайдо бўлди. Чунки ичкилик ўз таъсирини ўтказиб бўлган эди. Иккиси бамисли шердек бир-бирига ташлашибди. Кўзига қон қуйилган Мирсодиқ эшик олдидаги болта билан рақибининг бўйнига урди. Ертубан қонга беланиб ётган дўстини кўриб Сафар ака Мирсодиқнинг қўлидаги болтага ёпишибди. Мирсодиқ тамоман ўзини йўқотиб қўйган, қон қуйилган кўзига ҳеч нарса кўринмас эди. Шунинг учун ҳам қадрдон бўлиб қолган дўстига ҳам болта кўтарди.

Красногорск кўрғонига содир этилган бу муҳажир воқеа кишлоқ аҳолисини лудҳиза соқлади. Воқеа жойига етиб келган туман ички ишлар ходимлари қотилни жиноят изи совимасдан қўлга олдилар. Одил суднинг адолатли ҳукми билан ичкилик оқибатида икки кишининг ҳаётига зомин бўлган қотил олий жазога ҳукм қилинди.

Ҳа, жиноятчи ўз айбига яраша жазосини олди. Аммо бу муҳажир қотиллик содир бўлмаслиги ҳам мумкин эди. Агар кўни-қўшнилари, маҳалла фаоллари сурункали спиртли ичимлик ичиб юрувчи ҳамқишлоқларини ўз вақтида тўғри йўлга солганларида, эҳтимол, бу фожаия юз бермасди.

М. СУЛТОНОВА,
Тошкент вилояти ИИБ
матбуот маркази ходими.

ХИЗМАТДА КАДР ТОПГАНЛАР



“Постда”, “На посту” газеталарида ишонч телефони рақамлари эълон қилиниши билан кўнғирокларнинг кети узилмай қолди. Қабул дафтарига янги янги хабарлар қайд этила бошланди. Ҳозиргача 200 га яқин кўнғироклар бўлди. Олдиндан айтиб қўйлик, бу хизматнинг асосий қоидаси – қабул дафтарининг “қўрилган чоралар” банди қисқа муддатда тўлдирилиши керак, аммо номига эмас.

Тошкент шаҳар ИИББда бу хизматга катта аҳамият бермоқдалар, умид боғламоқдалар.

ИИББ ТНҚ бошлиғи, милиция подполковниги А. Аҳмеджонов янги хизматнинг вазифалари, аҳамияти, муаммолари ҳақида куйидагиларни гапириб берди:

– Дастлабки натижалар кўзга ташланаяпти. Аниқроқ айтсам, ўртача ҳар 70 хабардан 20 таси ўз тасдиғини топяпти. Баъзи фактларга тўхталсам.

Биров кўнғирок қилиб, Кўйлик мавзесидаги ётоқхоналардан бирида қонунга зид хатти-ҳаракатлар содир этилаётганини айтди. Текширув чоғида ётоқхона маъмурияти болаларга мўлжалланган хоналарни ноқонуний равишда ижарачиларга бераётгани аниқланди. Камчиликлар тузатилади, айбдорлар ўз жазосини олади.

Чилонзор туманидан гиёҳвандлик воситаларини тарқатувчи шахслар, Яккасарой туманидан эса “гуллаб-яшнаётган” исловатхона ҳақида хабар беришди. Келинг, ИИББ жиноятқидирув ходимлари иш фаолиятининг сир-асрорларини очмайлик, лекин ҳар икки ҳолат бўйича ҳам гумондорлар ашёвий далиллар билан ушланди, ҳадемай улар қилмишига яраша жазосини олади.

Кимдир шошиб-пишиб мунтазам “ўз улушини” йиғиб оладиган милиция ходимининг фамилиясини айтиб, трубкани илб қўйди. ИИББ шахсий таркиб билан ишлаш хизмати текширувни бошлаб юборди. Ҳозирда ички ишлар ходимлари рўйхатида юқоридаги милиция ходимининг фамилияси йўқ.

Турли масалалар бўйича кўнғирок қилишади. Баъзан кулгили ҳолатлар ҳам бўлиб туради:

– Ишонч телефони эшити-ди!

– Қизим, “тез ёрдам” чақирганимга бир соатдан ошди. Ҳалиям келмади.

– Хўп. Ёрдам беришга ҳаракат қиламиз.

Ўки:

– Яхши қиз, сизни севаман.

– Ишонч телефони эшити-ди! – Қизим, “тез ёрдам” чақирганимга бир соатдан ошди. Ҳалиям келмади. – Хўп. Ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Ўки: – Яхши қиз, сизни севаман.

Гиёҳванд моддаларни ўсимликларни екиш, ундан “заҳри қотил” олиб, қайта ишлаш ва сотиш катта-катта даромад манбаига айланди. Мутахассислар ҳозирги кунга келиб гиёҳфурушликнинг ўзидан дунё бўйича йилига бир неча юз миллион долларлик товар айланиши кузатилаётганини айтмоқдалар.

133-64-97, 136-75-82, 56-74-76.

– Ишонч телефони эшити-ди!

– Қизим, “тез ёрдам” чақирганимга бир соатдан ошди. Ҳалиям келмади.

– Хўп. Ёрдам беришга ҳаракат қиламиз.

Ўки:

– Яхши қиз, сизни севаман.

ларнидир айта олмаётганини сезса, уларга ишонч телефони рақамларини қолдиради.

Бу хизмат ходимларининг ўзига яраша қийинчиликлари ҳам бор. Энг асосийси – арз этувчиларнинг кўпи махфий қолишдан фойдаланиб қўшни-сидан, кеккайиб кетган қарин-

қулайликларга эга бўлган алоҳида бино ажратилиб, тўла компьютерлаштирилди. Штатда тажрибали психолог бўлиб, мурожаат этувчилар билан гаплашиб, туғиладиган руҳий муаммоларни ечади. Аммо, яна бир бор таъкидлайман, фуқароларимиз ишонч телефонининг вазифаси-

ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИГА ИШОНИНГ

Хуқуқни муҳофаза қилиш идоралари мамлакатимиз мустақиллигининг 8 йиллиги арафасида Ўзбекистон фуқароларининг фаол ёрдамидан умид қилиб, янги иш услублари ва шакллари устида изланишяпти.

Яқинда Тошкент шаҳри ИИББ раҳбарияти шаҳар аҳолиси ва меҳмонларига

ишонч телефони рақамларини маълум қилган эди. Бу телефонлар орқали қонунбузарликлар, жамоат тартибини бузишлар, пойтахт милицияси фаолиятидаги камчиликлар, ички ишлар идораларининг мансаб ваколатини суиистеъмол қилувчи ходимлари, диний – экстремистик ҳаракатлар ҳақида хабар бериш мумкин.

Келинг, танишайлик. Қаерда учрашамиз?

– Яхши йигит, бачканаликни йиғиштириб бўладиган гапни гапиринг.

Йигитнинг кейинги гаплари адабий тил қоидаларига тўғри келмагани учун, тушириб қолдираман. Бу сўзамол йигитча, то навбатчилик қисми ходимлари тутиб олмагунча тез-тез хизматимизга кўнғирок қилиб турди. Бу ўсимрга мажбуран телефонда сўзлашув одобини ўргатишга тўғри келди.

Хизматнинг асосий шартларидан бири олинган хабарларни, уларни етказувчининг шахсини сир сақлашдир. Ўз навбатда хабарни қабул қилувчилар ҳам махфий қолгани маъқул бўларди. Қолаверса, кўнғирокларингизга жавоб қилувчи ёқимтой овоз соҳиблари хабарлар бўйича қўриладиган чораларга масъул эмас.

Ишонч телефони фаолияти фақат сигналларни қабул қилиш, қайд этиш, керакли бўлинмаларга етказиш билан чегараланиб қолмайди. Хизмат бошлиғи милиция майори Г. Бешбоев фаолият доирасини кенгайтиряпти. У тез-тез маҳалаларга бориб, фаоллар, оддий фуқаролар билан учрашиб туради. Арз-шикоятлар бўлса, ёзиб олади. Мабодо одамлар суҳбат чоғи ийманишаётганини, нима-

дошидан аламини олишга ҳаракат қилишади. Улар ҳар бир сигнал фақат қайд этилибгина қолмасдан, ҳар томонлама текширилишини ўйлашмайди, шекилли. Бу ёлғон хабарни текшириш учун ходимлар сарсон бўлади дегани. Ваҳоланки улар шу вақтнинг осойишталигимиз йўлида сарфлаган бўлишарди.

Ҳамшаҳарларимиз кўпинча ишонч телефони ва “02” вазифаларини янглиштириб қўйишяпти. Фарқ эса катта. Ишонч телефонлари орқали текшириш керак бўлган, криминал вазият пишиб этилаётгани ҳақида хабарлар маълум қилинади. “02” орқали бериладиган маълумотларни эса тезкор навбатчилик қисми қабул қилиб олади. Бу сигналлар милициянинг зудлик билан аралашшини тақозо этади, чунки ҳодиса юз бераётган ёки содир этилган бўлади.

Иш энди бошланди. Унинг келажаги порлок. Кўпгина ривожланган мамлакатларда бундай хизматлар бор. Масалан, Германия ва Японияда ишонч телефонлари ички ишлар идораларида муносиб ўрин олган, бу давлатларда хуқуқни муҳофаза қилишга салмоқли ҳисса қўшиб келяпти. Янги хизматга ходимлар саралаш, штатларни бутлаш давом этяпти. Барча

ни тушуниб етиши, тепа қўшни-си бир неча бор сув тоширгани учун бизга арз қилмаслиги керак. Агар бизга нон керак бўлса, гўшт дўконига бормаймиз-ку. Демокчимизки, телефон рақамини теришдан олдин муаммомиз милиция ваколатига кириш-кирмаслигини яна бир бор ўйлаб кўринг.

Агар берилган хабар тасдиқланиб, оқибатда муайян криминал вазият бартафат этилса, хабар берувчи муносиб тақдирланади.

Кўплар бунга айбончилик ҳисоблаб, одоб-ахлоққа тўғри келмайди дейиши мумкин. Айримлар “Дунёни сув босса менинг тўпигимга чиқмайди” қабилида иш тутаяди, ёки ҳамма ёмонликнинг жазосини худого ҳавола қилади. Аммо биз бугун ўта хушёр бўлишимиз, 16 февраль воқеаларининг такрорланишига йўл қўймаслигимиз керак. Фуқароларимиз гиёҳфурушлар, фоҳишахона очганлар, шунингдек, юлғич мансабдорларга қарши курашда кўп иш қилишлари мумкин. Ички ишлар идоралари ходимлари пойтахтимизда тартиб-ошойишталикни таъминлаш йўлида кўп ишлар қилишяпти. Ўйлаймизки, улар ҳамшаҳарларимиздан ҳам ҳар томонлама кўмак кутишга ҳақли.

А. ЗОЛОТОРЁВА.

БОТМОНЛАБ ЭМАС “Корадорн-99” МИСҚОЛЛАБ ТАШИШЯПТИ

Айримлар, кўкнор, наша каби гиёҳванд моддалари мавжуд бўлган ўсимликлар илгари ҳам бўлган-ку. У пайтда бу ўсимликларни парваришлаганларга нисбатан жазо қўлланилмаган-ку, деб эътироз билдиришади. Бу албатта ҳақиқатдан йироқ эмас. Тиббиёт нуқтаи назаридан бу ўсимликлар шифо учун ишлатилган. Кейинчалик эса уни эрмакка айлантириб олишди. Бу эрмак илдиэ отиб ривожланиб, шундай даҳшатли тус олдики, унга мубало бўлганлар, муқаррар ўлимгача етиб боряпти. Шунчаки “дилхушлик” вабога айланди, энди у билан аёвсиз кураш олиб бориш шарт бўлиб қолди.

Гиёҳванд моддаларни ўсимликларни екиш, ундан “заҳри қотил” олиб, қайта ишлаш ва сотиш катта-катта даромад манбаига айланди. Мутахассислар ҳозирги кунга келиб гиёҳфурушликнинг ўзидан дунё бўйича йилига бир неча юз миллион долларлик товар айланиши кузатилаётганини айтмоқдалар.

Модомики бу қонунбузарлик орқасидан кимлардир бойиб, даромад олаётган экан, улар осонликча таслим бўлмайди. Биз хуқуқ-тартибот хизмати ходимлари бу иллатнинг илдиэига болта уришдан чарчамаслигимиз, унга қарши аёвсиз курашни бўшаштирмаслигимиз лозим.

Тожикистонлик ўқитувчи К. Ю. Янгиер шаҳрида 1 кило 300 грамм корадори сотаётганда қўлга тушди.

Ширин шаҳридан Л. С. тожикистонлик қариндошининг алдовига кўниб, Конибодомдан бир кило корадорини сотиб олади ва Гулистон шаҳрига келиб, харидор излаб юрганида далилий ашё билан қўлга олинди.

Ховослик ҳеч қаерда ишлайдиган Сафарали атрофига

яна тўрт кишини тўплаб гуруҳ тузади. Улар гўё ўзларича савобли иш қилаётгандай, яъни кўкнор банки, корадорихўрларга “қайишгандай” Тожикистондан заҳри қотил келтириб, уларни таъминлаб турган. Бу “савобталаблар” энг ўткир гиёҳвандлик моддаси ҳисобланган героин сотаётганларида ходимларимиз қўйган тузоққа илинди.

Гарчи кўкнор, наша экувчилар сони йилдан йилга камайсада, вилоят орқали олиб ўтишга уринаётганлар, олди-сотди билан шуғулланаётганлар камаймаяпти. Шуни айтиб ўтиш лозимки илгари заҳри қотилларнинг хом ашёси, ярим тайёр тури қўллаб учрарди. Эндиликда, қайта ишланиб, истеъмол учун тайёр бўлган огулар кўпайган. Илгари бот-

монлаб ташилган бўлса, энди энг учиди мисқоллаб ташиш авж оляпти. Ўтган йилнинг биринчи ярмида вилоят бўйича 170 гр героин ноқонуний сотилаётганда ушланган. Бу йил ўтган олти ойда 1 кило 200 грамм героин қонунбузарлардан мусодара этилиб, йўқ қилинди.

Милиция подполковниги Б. Матмусаев, милиция капитанлари Р. Маматов, Д. Ирисалиев, милиция катта лейтенанти А. Воҳидов, милиция лейтенанти А. Қўқонбоевлар гиёҳфурушликка қарши кураш, уларнинг ноқонуний олди-сотди қилинишининг пайини қирқишда фаол ҳаракат қилмоқдалар.

Юрий СТАРОДУБОВ,
Сирдарё вилоят ИИБ ЖКБ
бошлиғи ўринбосари,
милиция подполковниги.

Президентимизнинг қарорига асосан 1999 йил Аёллар йили деб эълон қилинди, аёлларни қадрлаш, улуғлаш керак, лекин баъзи бир аёлларимиз ноқонуний ишлар билан шуғулланиб бизларни ранжитмоқдалар. Мана бунга айрим мисоллар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосланиб, туман миллий хавфсизлик ходимлари солиқ қўмитаси билан ҳамкорликда туман ҳудудида махсус рейд ўтказилди.

Фуқаролар У. Шомуратова, С. Арсланова, З. Ташпулатова, С. Калимбетовалар 95685 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини ноқонуний равишда сотаётганларида ушланди. Ноқонуний сотилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари давлат фойдасига мусодара қилинди, уларга нисбатан эса туман халқ суди томонидан 19800 сўм миқдорида жарима солинди.

Жорий йилнинг 10 февралда мунтазам ДАН масканида вилоят божхона хизмати ходимлари билан биргаликда туман ИИБ ДАНБ ЙПХ нозир милиция катта сержанти С. Муқимов Учқудуқ–Тошкент йўналиши бўйича ҳаракатланаётган 49-автокорхонага қарашли автобусни тўхтатиб юкхоналарини кўздан кечирганларида 45520 сўмлик 404 дона қуюлтирилган сут, 77400 сўмлик 100 кг сарёғни Бухоро вилояти Когон тумани фуқаролари А. Алжабаева, У. Нуралиева ҳамда Учқудуқ туманида яшовчи фуқаро К. Толиповлар тил бириктирган ҳолда қўшни Қозоғистон Республикасига олиб кетаётганликлари ойдинлашди. Ушбу факт юзасидан фуқароларга 660 сўмдан жарима солинди ва олиб кетилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари давлат фойдасига мусодара қилинди.

Шу йилнинг 17 май куни Учқудуқ ДАН масканида туман ИИБ ходимлари милиция катта лейтенанти Ф. Хушвақов ва милиция лейтенанти А. Маҳмудовлар томонидан Учқудуқ шаҳри томонидан келаятган М-4/2 русумли 21 А 9528 давлат белгили автомашина гумон қилиниб тўхтатилганда, Б. Дарменкулов ва 1964 йилда туғилган А. Қурбанбековлар ҳеч қандай ҳужжатсиз 60 кг мисни қўшни Қозоғистон Республикасининг Еттисой шаҳрига сотиш учун олиб кетаётганлари аниқланди. Олинган далил-ашёлар ИИБ навбатчилик қисмига топширилди.

– Шу йилнинг 16 май куни “Учқудуқ монументи” ёнида йўл-патруль хизмати нозир Р. Ғайбуллаев ҳамда ДАНБ суриштирув нозир И. Тўхлиев ВАЗ-2121 русумли 57-08 автомашинасини тўхтатдилар. Автомашина салонидagi йўловчи В. Рузавин ёнидан наркотик модда топилди. Унга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

ДАН масканидан қайтар эканман, дарҳақиқат меҳнат инсонни улуғлашига, ҳалол меҳнат қилган инсонлар доимо эл хурматида бўлишга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим. Шаҳримнинг, юртимнинг, халқимнинг бойликлари, осойишталиги меҳнатсевар, ҳалол инсонлар қўлида эканлигига амин бўлдим.

О. ШАРИПОВА.

УСТОЗ КЎРГАН ЙИГИТ

Милиция сержанти Отаназар Давлетов оддий деҳқон оиласида туғилган. Меҳнатсевар йигит. Одамларга бўлган муомаласидан устоз кўрганлиги яққол сезилиб туради. Мана, 19 йилдирки, Ҳазорасп туман ИИБнинг кўриқлаш бўлинмасида хизмат қилади. Отаназар милиция старшинаси (марҳум) Хударган Жуманиёзов, истеъфодаги милиция старшинаси Собир Курёзовдек чинакам устозлар кўлида тарбияланди. Касб маҳоратини, билимини оширди. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини, паст-баландини ўрганди. Устозларнинг ўғитларидан ниҳоятда масъулиятли ҳамда шарафли касбга бел боғлаганлигини чуқур ҳис қилди. У мураббийларнинг ишончини оқлаш учун тинмай изланди. Зимма-

сидаги масъулиятли вазифани сидқидилдан бажаришга интилди. Ўзининг интизоми, меҳнатсеварлиги билан ҳамкасблари орасида хурмат-иззатга сазовор бўлди. Орадан йиллар ўтди. Милиция сержанти Отаназар Давлетов ҳам анъанага кўра ёш ходимларга мураббийлик қила бошлади.

— Устозларим самимий, камтарин инсонлар эди, — дейди милиция сержанти Отаназар Давлетов. — Улардаги ғайрат ва шижоат, юксак интизом, ўз касбига бўлган меҳру муҳаббат биз шогирдларга ибрат бўлиши табиий эди. Худого шукр, устозлар ишончини оқлаб, энди ўзим ҳам мураббийлик қилаяпман. Шогирдларим кўп. Милиция катта сержанти Эркабой Болтаев, милиция сержанти Давронбек

Ёкубов, милиция катта сержанти Мақсуд Курёзовлар билан фахрланаман. Улар ўз касбининг фидойи йигитлари...

Устоз бўлиш, мураббийлик қилиш бахти ҳаммага ҳам на-сиб этавермайди. Чунки инсонга хос бўлган барча фази-латлар мужассам бўлган ки-шигина устоз деган шарафли номга муносиб бўлиши мум-кин. Халқ оёйишталиги йўли-да ҳалол хизмат қилаётган Отаназар Давлетовда бундай фазилатлар мужассам.

— Шогирдларимдан кўн-гим тўқ, — дейди у биз билан уларни таништираркан. — Уларнинг баъзилари айни кунда устоз. Демак, менинг устозларим олдида, уларнинг эса менинг олдимда юзлари ёруғ. Мен мана шундай устоз-



шогирдлик анъаналари узвий давом этишини жуда-жуда истаيمان. Чунки бундай му-носабат аввало жамоада со-ғлом муҳитни вужудга келти-ради. Қолаверса, мукаммал тарбияланган ходимларнинг

етишиб чиқишига замин яра-тади.

Ҳа, милиция сержанти, бўлинма сардори Отаназар Давлетовнинг гапларида жон бор. У билан хайрлашар чоғи-мизда сураткаш муҳбиримиз

Жумабой Қозоқ Отаназар Дав-летовни шогирдлари дав-расида суратга туширди. Демак, устоз ва шогирд орасидаги муносабат давом этмоқда.

**Х. ЖАББОРОВ,
О. АНИЁЗОВ.**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ён-гиндан сақлаш бошқармаси ва жойлардаги Давлат ён-гин нazorати ходимлари касалхоналар, болалар шифо-хоналари, меҳрибонлик уйлари ва бошқа масканларда тунги вақтда навбатчи ходимлар ва қоровуллар томонидан хизмат қандай ташкиллаштирилганлиги, масканларнинг ён-гинга қарши ҳолатини текшириб чиқди.

Текшириш жараёнида республикамиз ҳудудида жойлашган бир неча шифо-хона, болалар масканлари-да тунги вақтда навбатчи-лиқни ташкил этишда кам-чилик ва нуқсонларга йўл

да қандай ҳаракат қилиш кераклигини ва бирламчи ўт ўчириш воситаларидан фой-даланишни яхши билмай-дилар. Ички ўт ўчириш кранлар енглар, дастаклар билан таъминланмаган ва

камчилик ва нуқсонлар Ан-дижон шаҳар 4-касалхона-си, Бухородаги Б. Нақшбанд номли пойабзал фабрикаси-да, 28-сонли ҳунар-техника билим юрти, 27-сонли меҳ-рибонлик уйи, сил касал-ликлари диспансери, бола-лар мусика мактаби, Деҳ-қонобод тумани марказий шифохонаси, Муборак ту-манидаги болалар шифо-хонаси, Самарқанд тумани маданият уйи, она ва бола-лар саломатлигини сақлаш

ЁНГИН БОЛАНИ ЁШ БИЛМАЙДИ...

Ҳозирги кунларда мактаб ўқувчиларининг асосий қисми ёзги дам олиш ором-гоҳларида, тоғлар кўйида ҳордиқ чиқаришмоқда. Кўплари шу масканлардан қайтиб келган, яна кимлар-дир рўзгор юмушларида ота-оналарига кўмак бермоқда-лар.

Аммо, шу билан бир қаторда айрим болаларимиз бекорчиликда, нима билан машғул бўлишни билмас-дан, вақтларини беҳудага сарфлаб юришибди. Зеро, болаларнинг вақтини тўғри тақсимлаш, назорат қилиш албатта биз, катталарнинг зиммамизда.

Лекин назоратсиз қолган болаларнинг баъзилари “зе-риканларидан” ёки бекор-чиликдан шундай “уйин-лар” қилишяптики, улар ўзлари сезмаган ва хоҳлама-ган ҳолда ўз ота-оналарига катта муаммолар туғдириб қўйишмоқда. Бу “уйинлар” асосини эса — ёш болалар-

нинг гугурт ўйнаши ёки “оловга нисбатан” болалар шўхлиги” ташкил этмоқда.

Мана шу даврларда бу ўйинлар сони шундай юқори кўрсаткичларни на-моён этмоқдаки, бунда биз катталардан янада ҳушёрроқ бўлишимиз талаб этилади.

Янгиер шаҳар Мамадали-ева кўчаси 11-уй 50 хона-дониди яшовчи З. Баратов фарзандларининг олов билан ўйнашлари ёнгин содир бўлишига ва натижада уй жиҳозларининг ёниб кети-шига сабаб бўлган. Лекин, бу ҳолатдан тезда хабар топ-ган катталарнинг амалга оширган тезкор чора-тад-бирлари туфайлигина ёнгиннинг катта майдонга тарқалиши олди олинган.

Жиззах шаҳар Ҳамзабод маҳалласи Заргарлик кўча-си 2-уйда яшовчи 9 ёшли С. Эркиновнинг олов билан ўйнаши — унинг юзи, кўкраги ва қорнининг ку-йиб, тан жароҳати олишига

сабаб бўлган.

Шовот тумани Ойбек кўчаси 23-уйда яшовчи Р. Жумабоевнинг 85 кв. м май-дондаги молхонаси ҳамда қишга атаб йигиб қўйилган хашагининг ёниб кетишига ҳам, ўзининг 10 ёшли ўғли Қундузжоннинг гугурт ўйнаб, олов ёқиши сабаб бўлган.

Урганч шаҳар Ал Хораз-мий кўчаси 83-уйда яшов-чи П. Раҳимов хонадониди ҳам болаларнинг гугурт ўйнашлари ёнгин содир бўлишига ва оқибатда уй-нинг томи, полининг ёниб кетишига олиб келган.

Нукус шаҳар Т. Охунов кўчаси 2-уйда яшовчи Ж. Нағзатдинов хонадониди ҳам шундай ҳолат содир бўлган. Унда 6 яшар ўғли Н. Қурбоновнинг “шўхлиги” натижасида яшаш уйининг 30 кв. м томи ва уй жиҳоз-лари ёниб, уй эгасига 35000 сўмдан зиёд моддий зарар етказилган.

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК КЎНГИЛСИЗЛИККА ЙЎЛ ОЧАДИ

қўйилаётганлиги аниқлан-ди.

Мирзо Улугбек тумани-да жойлашган 14-болалар шифохонаси қоровули Со-бит Нуралиевнинг ўз вази-фасига совуққонлик билан ёндошиши натижасида ши-фохона ҳудудида шахсий ав-тотранспорт воситалари-нинг киришига йўл қўйил-моқда. Биноларга ўтказилган электр сим ва кабеллари “Электр ускуналарни ўрна-тиш” қоидалари талабига умуман жавоб бермайди. Ён-гиндан дарак бериш ускуна пульти яроқсиз ҳолда, ши-фохона ҳудуди тунда ёри-тилмайди. Бундай ҳолатнинг мавжудлиги ва тунги вақтда хизматга жалб этилган хо-димнинг ўз хизмат вазифа-ларини билмаслиги ёнгин ёки бирор фожиа содир бўлганда қандай ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини эслатиши-нинг ҳожати бўлмаса керак.

Миробод тумани Са-риқўл кўчасида жойлашган Ўзбекистон Темир йўллари Давлат акциядорлик компа-ниясига қарашли меҳрибон-лик уйида (бошлиғи Ю. Бо-ровинок) иккита қоровул ва икки нафар тарбиячи ёр-дамчилари (Ю. А. Шукин, И. Г. Огородников, Н. М. Ару-тюнова, А. И. Семёнова) хизмат пайтида ухлаб ёти-шибди. Ёнгин содир бўлган-

уларнинг бир-бирига керак-ли улаш мосламалари тўғри келмайди. Бинолар ёнгиндан хабар берувчи мосламалар билан жиҳозланмаган, заҳи-ра чиқиш эшиклари берки-тиб ташланган, калитлари умуман йўқ, айрим жойлар-да электр ёриткичлар ишла-майди.

Яна шу компаниянинг марказий болалар шифо-хонаси (бош шифокори Акбар Алимов)да текширув ўтқа-зилганда қоровул Г. Кашма-тов ухлаб ётганлиги ва ўз ва-зифаларини билмаслиги аниқланди. Навбатчи ҳам-шира М. Саматова ва иси-тиш қозонхонаси ишчиси Ф. Шарипов ёнгин чиққанда-ги вазифаларини ва бирлам-чи ўт ўчириш воситаларини қандай ва қай пайтда иш-латилишини яхши билмади-лар. Бинонинг қаватларида-ги ва қозонхона ичидаги ички ўт ўчириш кранлари дастаклар билан жиҳозлан-маган ва уларни бир-бири-га улаш мосламалари тўғри келмайди, жўмраклари бу-ралмайди, айрим жойларда эса умуман йўқ. Бино ён-гиндан хабар берувчи мос-ламалар билан жиҳозланма-ган.

Тошкент шаҳар кўп тар-моқли болалар касалхонаси-да ҳам шунга ўхшаш ҳолат-нинг гувоҳи бўлди.

Юқорида кўрсатилган

маркази, Булунгур тумани 8-сонли марказий дорихо-на, Шеробод тумани 42-сонли ўрта мактаб, Хива ту-мани юқумли касалликлар шифохонаси, Янгиариқ ту-мани Улугбек номли ўрта мактабларда ҳам мавжуд.

Жойлардаги тунги қоро-вуллар ёнгин хавфсизлиги бўйича масъул ҳисобланади. Бирор ҳодиса юз бериб, ён-гин бошланса, аввало, шу ходимлар ҳаракат қилиш-лари зарур. Бунинг учун эса улар ёнгин содир бўлганда лоақал дастлабки юмушлар-ни бажаришни билишлари лозим. Ундан ташқари жой-ларда ёнгин хавфсизлигига қарши асбоб-ускуналар, ўт ўчириш воситаларининг йўқлиги, боситларнинг ҳам яроқсизлигини турли хил баҳоналар билан изоҳлашга ўрин йўқ. Кўза кунда си-нади. Бу бепарволиклар ён-гин хавфсизлигига қалқон бўлолмайди. Олов — тилсиз ёв. Агар у ҳаракатга тушса ҳамма ёқни кулга айланти-ради. Бунинг тўғри тушунган ҳолда, жойлардаги мутасад-дилар мавжуд қонун-қоида-ларга риоя этишни ўзлари-га зарурлиги иш деб қараш-лари лозим.

**Дилмурод ВАЛИЕВ,
ИИБ ЁСБ
ДЁНБ муҳандиси,
ички хизмат катта
лейтенанти.**

“01” ХАБАР ҚИЛАДИ

● Гурлан тумани, Янгиобод жамоа хўжали-гида яшовчи Ф. Узокбоевнинг ҳовлида йиғил-ган ахлатларни ёкиб назоратсиз қолдиргани натижасида ёнгин молхонага ўтиб кетган. Мол-хонадан ёнгин бостирмага ва ундан кейин қўшни Т. Ўразметов ҳамда О. Эрназаровлар-нинг ҳам молхона ва бостирмаларига ўтиб, кат-та талафот етказган.

● Вилоят Окдарё тумани, “Қахрамон” жа-моа хўжалигида яшовчи Г. Жўракулова ўчоққа солярка ёқилгисидан сепиб, олов ёқиши на-тижасида иккала оёғи, қўллари ва кўкраги куй-иб, оғир аҳволда касалхонага ётқизилган.

● Кува-Фарғона йўлида “Москвич-412” ру-сумли Л 64-48 ФЕ давлат рақамли автома-шинаси “Нексия” русумли 15 АВ 055 давлат рақамли автомашинаси билан тўқнашиб кет-ган. Натижада автомобилларда кучли ёнгин бошланиб ҳар иккала машинадаги олти на-фар фуқаролар ёниб кетган.

● Уйчи тумани Ерқўргон фуқаролар йиғи-ни ҳудудида яшовчи З. Дедабоевнинг хона-дониди ёш болаларнинг назоратсиз қолиб, гу-гурт ўйнашлари натижасида ёнгин чиқиб, уй-нинг томи ёниб кетган ва хонадон эгаси 80 минг сўм миқдорида моддий зарар кўрган.

● Денов тумани А. Ҳидоятлов номли жамоа хўжалиги чорва фермаси биносидида электр симларининг қисқа туташувидан ёнгин содир бўлиб, бинонинг томи ва қиш мавсумига йи-ғилган 1500 килодан зиёд хашаги ёниб кет-ган.

● Шўрчи шаҳар С. Раҳимов кўчаси 23-уйда яшовчи М. Мамараҳимовнинг омборхонаси-да қаровсиз қолдирилган ёш болаларнинг гу-гурт ўйнашлари ёнгин содир бўлишига олиб келган. Натижада омборхонанинг томи ва шу омборхонада сақланаётган бир қанча уй жи-ҳозлари ёниб, 50 минг сўм миқдорида мод-дий зарар етказилган.

● А. Икромов тумани Бекобод 3-тор кўча-си 3-уйда яшовчи М. Бобоева томонидан хо-надон ошхонасида қозонда қиздирилаётган ёнгин назоратсиз қолдирилиши оқибатида ёнгин содир бўлиб, натижада ошхона шифти-нинг ёғоч панжараси ёниб кетган. Бу кўчада уйларнинг бир-бирига нисбатан жуда яқин, оралиқ масофаларининг сақланмасдан қурил-ганлигидан ёнгин қўшни хонадон Н. Абдулла-еванинг уйига ҳам ўтиб, айвон томининг за-рарланишига олиб келган.

Р. АСЛОНОВ.

ОТА ИЗИДАН

Саидқосим ака саволимни эшитиб, кулиб қўйди.

— Нима десам экан, халқимизда бир мақол бор. Жуда ибратли: “От айланиб қозигини топади”. Нима иш қилсак ҳам барибир ота касбини эгаллаганимиз, ҳеч бўлмаса иккинчи даражали бўлса ҳам шу касб билан шуғулланаётганимизни сезмай қоламиз.

— Авлодингизда спортчи ўтганми дейман-а?

— Падари бузрукворимизни билганлар зарби жуда қаттиқ эди, дейишди. Ўзлари ички ишларда кўп йиллар ишлаганлар. Мен ҳам ўн етти йил Давлат автомобиль назорати соҳасида хизмат қилиб, истеъфога чиқдим. Айтинчи, гавдам қанақанги спорт тури билан шуғулланганимдан дарак бериб турибди?

Саидқосим аканинг михтидан келган чайир гавдасига қараб:

— Кураш бўлса керак, — дедим.

— Топдингиз. Ана энди қолганини икки ўғлим Саидазиз ва Саидлазиздан сўрайверинг.

Рости, икки спортчи — Саидазиз ва Саидлазизни кўриб, уларнинг каратэ билан шуғулланишига дафъатан ишонмадим.

— Биз болаларнинг жону дилимиз Брюс Ли, Жеки Чан иштирок этган фильмларни кўриш, — деди Саидазиз, — ҳақиқат, адолат учун, ёвуз кучларга қарши турган курашчи оғир жангларда ғолиб чиқади. Ўзингиз ҳам кўрган бўлсангиз керак. Хуллас, фикри-ёдим каратэ бўлиб қолди. Кейин бир куни...

— Устозни кўриб қолдингиз?..


— Йўқ. Саидакбар амаким бизни кузатиб юрган эканлар. Бир куни етаклаб, Авиасозлар шаҳарчасидаги “Азамат-Карим” спорт залига олиб келдилар.

Бу ерда шуғулланаётган, машқ қилаётган болаларнинг чаққон ҳаракатларини кўриб, жудаям ҳавасим келган эди. Саидакбар амаким бизни устозимиз Хўжамқул Хўжақуловга та-

машқ, ўрганиш дегани экан. Сал хаёлингиз чалғидими, тамом. Мағлубиятга учрайсиз.

— Калтак еган пайтларингиз ҳам бўлганми?

— Калтак-ку, емаган-



ништирдилар. Шундан кейин машқларга қатнаша бошладим. Осон бўлади, деб ўйловдим. — Саидазиз ўша лаҳзаларни эслади шекилли бироз жим қолди. — Агар бир дақиқа машқни тўхтатсангиз бир соат орқага кетиб қоласиз! Бу устозимнинг гапи.

Натижа эса ёмон бўлмади. Аъло бўлди. Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида яшовчи Саидазиз Бурхонов уч карра Самарқанд кубоги баҳсларида қатнашди. Учовида ҳам ғолиблик шохсупасига кўтарилди. Ўзбекистон чемпиони бўлди. Қозоғистонда Аҳмад Ясавий юбилейи шарафига ўтказилган турнирда ҳам ғолиб чиқиб, чемпионлиқни қўлга киритди. Дипломларни varaқлаб туриб, шу қотмадан келган йигитда шунақа ирода, чидам борлигига ҳавасим келади.

— Тўғри айтасиз, — деди Саидазиз. — Спорт чидам,

ман, лекин ҳал қилувчи зарбаларни ўтказиб юборган пайтларим бўлган.

Саидазиз отаси Саидқосим акага қараб қўйди.

— Энди камолотга физилаб етиб бўлмайди-да, — деди Саидқосим ака.

— Хонободда издошларингиз кўп бўлса керак?

— Кўп эди, — Саидазиз жонланиб кетди. — Бир-иккитасига ҳадеб машқ қилавериш ёқмади. Бир-иккитасида шунчаки ҳавас бўлса керак. Бир-икки боргандан кейин кетиб қолишди. Лекин укам Саидлазиз жуда қаттиқ ёнишди каратэга.

Саидлазиз ҳар томонлама Саидазизнинг акси эди. Бўйи ҳам унақа баланд эмас, нозикроқ, камгап. Ўнта савол берсангиз бир марта жавоб оласиз.

— Сиз ҳам устозингиз Хўжақуловдан сабоқ олганмисиз?

— Ҳа, ўша кишидан. — Қачондан бошлаб шу-

ғулланаяпсиз?

— Саккиз-тўққиз ёшимдан.

— Бўйингизга қараб туриб каратэчи эканлигингизга ишонмайди киши.

Саволим жавобсиз қолди.

— Кичкина деманг бизни, кўтариб урамиз сизни,

— гапга қўшилди Саидазиз.

— Мен сизга айтсам, укам чаққон. Биронта ҳам зарбани ўтказиб юбормайди. Худди кийикка ўхшайди.

— Рақибингиздан чўчи-майсизми?

— Йўқ. — Саидлазиз бош чайқади.

— Энг тез ғалабага қачон эришган эдингиз?

— Ўтган йили. Венгриянинг Мискалк шаҳрида ўн икки-ўн уч ёшлилар ўртасида жаҳон биринчилиги ўтаётган эди. Мексикалик рақибим билан рингга чиқдим. Икки дақиқада енгганман.

— Самарқанддагисини ҳам айт, — қистади Саидазиз.

— Самарқанд кубогида ҳам шунақа бўлувди, — деди Саидлазиз.

— Неча марта ғолиб бўлдингиз,

— Уч марта: АҚШда, Австрияда, Венгрияда.

Сулола

— Устозингиз қанақа одам?

— Жуда зўрлар. Бешинчидан қора белбоғ соҳиби. Яхши томони, шогирдларига кунт билан сабоқ бердилар. Ҳатто Чак Норрис билан суратга ҳам тушганлар. — Саидлазизнинг кўзлари ёниб кетди. Насиб этса, мен ҳам ўшандай буюк одамлар билан учрашаман.

— Албатта, — уни қувватладим. — Бўш вақтингизда нима иш қиласиз.

— Бўш вақтим йўқ, — деди Саидлазиз. — Эрталаб уч соат машқ қиламиз, кечки пайт яна уч соат машқ. Мактабга тайёргарлик.

— Ютқазган пайтларингиз ҳам бўлганми?

— Ютқазмиш учун гиламга тушмайдилар, — деди Саидлазиз. — Ютқазаман деб ўйлаш спортчига хос иш эмас. Ютаман деганга куч келаверади.

— Бу гапга ўзингиз амал қиласизми?

— Албатта.

— Ҳозир юридик коллежда ўқияпман, — деди Саидазиз суҳбатга қўшилиб.

— Лекин бир лаҳза машқни тўхтатмадим.

— Сиз-чи? — сўрадим Саидлазиздан?

— Акамнинг изидан бораман. Жисмоний тарбия институтига кираманми, билмадим. Ҳали бир қарорга келганим йўқ.

— Саидазиз, коллежни битириб нима иш қиласиз?

— Биласизми, Ҳусанхўжа, Саидқодир, Саидмурод амакимлар ички ишлар тизимида кўп йиллар садоқат билан хизмат қилишган. Битта орзуим бор. Жиноят-қидирувда ишламоқчиман.

— Ниятинглар жуда улуг экан.

Саидқосим ака тўғри айтди. Саидбурхоновлар сулоласи эл-юрт тинчлиги йўлида кечаю-кундуз тер тўкканлар. Ҳозир ҳам иш-лашмоқда. Мана, янги авлод ҳам ўз йўлини танламоқда.

Темур УБАЙДУЛЛО.

УСТОЗЛАР — ТАЖРИБА МАКТАБИ

Ички ишлар тизимини муносиб кадрлар билан таъминлашда, “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури” талабларини амалга оширишда тингловчиларга бошланғич милиция мактаблари (БММ) дастурлари асосида билим бериш билан бирга устозларнинг бой иш тажрибаларини ўрганишнинг ҳам ўз ўрни бор.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бошланғич милиция мактабида бу борада ҳам қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, тингловчилар яқинда ҚР ИИВ Фахрийлар Кенгашининг раиси, тарих фанлари номзоди, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган юрист, истеъфодаги милиция подполковниги Наврўзбой Товмуродов ва тажрибали милиция ходими ҚРИИВ ШТБХ бошлигининг ёрдамчиси, подполковник Т. Сирашов билан учрашдилар.

Н. Товмуродов тингловчиларга республикаимизнинг миллий тикланиш давридаги ҚР ички ишлар тизимининг тарихи ҳақида маъруза қилди ва уларни қизиқтирган қатор саволларга жавоблар берди. Шунингдек, тингловчиларнинг ҳар бирига шу мавзудаги ўзи муаллиф бўлган китобларидан бир нусхадан совға қилди.

— Тингловчиларимизнинг ҳар томонлама мукамал инсон, фидокор ходим, Ватанимизга муносиб фарзанд ва ички ишлар идораларига муносиб милиция ходимлари бўлиб етишувлари учун ҳамма имкониятларни ишга сояламиз, — дейди БММ бошлиғи, милиция подполковниги Н. Холмуродов. — Улар пухта билим, касбий тайёргарликка эришиш билан бирга устозлар ўғитларини ҳам жон-диллари билан тинглаб, ўрнак олишга ва устозлардек бўлишга интилоқдалар. Бугунги тингловчиларимизнинг эртага етук милиция ходими бўлиб етишуви бизнинг саъй-ҳаракатларимизга боғлиқ эканлигини унутишга эса бизнинг ҳаққимиз йўқ...

Ўз мухбиримиз.

Мухтор Низомов Марғилон шаҳар суди томонидан 1993 йилда 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилганди. Муддатидан илгари шартли равишда қамоқдан озод қилинган бу йигитча тавбасига таянмайдиганлар қилидан чиқиб қолди. Кўча санғиб, “бекорчи хўжа” бўлиб юриш одатини ташламади. Оқибатда яна жиноят содир этди.

1998 йил июнь ойининг бошларида ҳамтовоғи Эрнес Бредзе билан режа тузди:

— Бекорчиман, сен ҳам ишсиз экансан, — деди Мухтор. — Кел, пул иш-лашнинг йўлини топайлик.

Ҳамтовоқлар пул иш-лашнинг антиқа йўлини ўйлаб топишди. Улар 1998 йилнинг июнь ойи тунги

23.00 «Ёшлар» телеканалда.
23.10 Синема. «Спартак».
02.00 «Мунаввар тонг истаб».

ЎЗТВ III

8.50 «Ерилош». Мульттўлам.
9.10 «Кўнгил тароналари».
9.30 Болажонлар экрани.
11.10 «Ханда дўкони».
11.35 Кинонигоҳ.
13.10 «Хотира». Ўзбекистон халқ артисти Н. Аҳмедова.
13.35 «Спорт оламида».
13.50 Х. Қосимов, А. Слонин. «Наврўзбекининг саргузаштлари».
А. Навоий номидаги опера ва балет театрининг спектакли.
14.40-14.55 «Пойтахт» Ахборот кўрсатуви.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ерилош». Мульттўлам.
18.30 «Шаҳарлик фаришта». Телесериал.
19.15 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Ўзтеледиорадиокомпанияси эстрада симфоник оркестрининг концерти.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Чуст жилolari». Телесериал.
21.45 «Рақслар жилоси».
22.15 Катталар учун эртак.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ.
01.30 «Хайрли тун, шахрим!»

ЎЗТВ IV

Россия жамоат телевидениеси. 6.30-8.00

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида).
15.40 «СНН-шоу».
15.55 Клип-антракт.
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «Мультчархпалак».
Россия жамоат телевидениеси.
17.15 «Джентльмен-шоу».
17.45 «Юрднэт» янгиликлари.
17.55 «99 йил кўшиқлари».
Россия жамоат телевидениеси.
18.15 Хўжжати детектив. Генерал Калугин иши. 1999 йил.
18.45 «Мўжизалар майдони».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Время.
20.35 «Федерал полицияси». Телесериал.
21.20 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.25 «Дил изхори».
21.30 «Дурдаршан».
21.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган».
22.00 «Вести».
22.30 Кинонинг олтин асри. «Амадей».
01.00 «Ахборот» (рус тилида).
01.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

9.05 «Мусикий тонг». Мусикий-дам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.45, 18.00, 19.50, 01.40 — «ТВ-хамкор», «Метеохабар».
10.30 «Морена Клара». Телесериал.
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Кичик шаҳардаги дўзах». Телесериал.
14.10 Кундузги киносеанс.
15.30 «Висол».
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Ҳаёт хотин-қизлар учун». Тележурнал.
16.50 «Айдорлик». Телесериал.
17.35 «VIP» студиясининг меҳмони.
17.50 «Хит-коктейль».
18.25 «Ошиқона». Мусикий дастур.
18.40 «Олтин кафас». Телесериал.
19.25 Спорт шарҳи.
20.20 «Клип-совга».
21.30 «30-канал»да кинооқшом.
23.15 «Комиссар Лиа Зоммер». Телесериал.
24.00 «Бедорлик».

РЖТ

5.00 «Хайрли тонг!»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 00.35 —

Янгиликлар.
8.15, 16.00 — «Севги йўлида». Сериал.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
9.15 «Маски-шоу».
9.40 «Смак».
10.00 «Самовий урушлар». Сериал.
10.50 Мультсеанс.
11.15 «Хайрли кун!».
12.00 «Махфий фарватер». 4-серия (яқунловчи).
13.20 Мультсеанс.
13.30 «Биргаликда» дастури.
14.15 «Гарри — қор одам». Комикс сериал.
14.40 Сергей Юрский «Синган тақа» саргузашт фильмида.
17.15 «Жентльмен-шоу».
17.45 Наталья Гвоздикова «Хотин-қизлар билан содир бўлган воқеалар» дастурида.
18.15 Хўжжати детектив. «Суперкрот». Генерал Калугин иши. 1999 йил.
18.45 «Мўжизалар майдони».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Аммо...».
20.50 Буюк изкуварлар. «Коломбо сабр косаси тугади». Детектив.
22.15 «Останкино» концерт студияси таклиф этади. Вия Артамне.
23.10 Тунги кинозал. Брюс Ли ўғли «Лазер» операцияси» жангари фильмида.

РДТ

6.00-8.45 «Хайрли тонг, Россия».
6.20 «Хамманинг оғзида».
6.45 «Кўрсатувлар дастури». Тележурнал.
7.15 «Минг бир кун».
8.15, 22.00 — «Навбатчи қисм».
8.45 «Товарлар — почта орқали».
9.10 «Миледи». Телесериал.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.15 — «Вести».
10.35 «Кичик дайди». Болалар учун телесериал.
11.30 «Менинг оилам».
12.30, 00.25 — «Дивандаги дўкон».
13.30 «Антонелла». Телесериал.
14.25 «Еввойи фаришта». Телесериал.
15.10 «Мусиқа, мусиқа...».
15.20 «Гомеопатия ва саломатлик».
15.30 «Биринчи бўсалар». Телесериал.
16.30 «Минора».
17.00 «Сирларимизнинг ёз фасли». Телесериал.
17.55 «Бола тилидан». Тележурнал.

18.25 «Шаҳарча».
19.30 «Тафсилотлар».
19.45 Мэтт Диллон «Кириш ва чиқиш» комедиясида (АҚШ).
21.25 «Подийум дарт».
22.55 Шерон Стоун «Сир яширилган жойда» триллериди (АҚШ).

ТВ-6

7.55, 14.05 — «Кундан-кунга».
9.45, 19.10, 00.50 — «Йул назорати».
10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 19.00 — «ТСН - 6».
10.10, 01.15 — «Кимки...».
10.25 «СВ - шоу».
10.50, 11.45, 13.50, 16.15 — «Харидингиз учун ташаккур!» теледўкони.
11.00 «Химоячи». Сериал.
12.05 Бизнинг мусиқа: София Ротару.
13.05 «Вавилон V». Сериал.
16.05 Мультфильм.
16.40 «Оддий Мария». Сериал.
17.30 Мультсериал.
17.55 «Шерлок Холмснинг саргузаштлари». Сериал.
18.25 «Диск-канал».
19.30, 02.45 — «Оловдаги Грейс III». Сериал.
19.55 «Бенни Хилл шоуси».
21.00 Шу куннинг янгиликлари.
21.30 «Ҳафта моҳарлари».
21.55 «Обоз».
22.55 Шон Коннари «Ҳаққоний иш» жангари фильмида.
01.05 «Шу куннинг олти янгилиги».
01.35 «Радиохит».
02.35 «Сифат белгиси».

НТВ

8.00, 8.30, 9.00, 9.30, 10.00 — «Бугун эрталаб».
10.10 «Омад солдатлари». Сериал.
11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 20.00, 23.00 — «Бугун».
11.20 «Резидентнинг хатоси». Сериал.
12.35 Мультфильм.
13.30 «Эски телевизор» эслайди: «Лўли».
15.30 «Доктор Куин, аёл-шифокор». Сериал.
16.20 «Сегунячо».
17.30 «Босқинчилар». Сериал.
18.30 «Нафи тегади».
18.55 «Футбол клуби».
19.40 «Криминал».
20.35 «Резидентнинг тақдири». Детектив. 1-серия.
22.05 «Намедни-81».
23.45 «Криминал Россия». Хўжжати сериал.
00.15 Тун жилоси. Сигурни Уивер Майкл Коннинг «Оппой» фильмида (Буюк Британия).

АСТ

7.00, 13.00 Мультфильмлар дастури.
7.30, 10.30, 13.30, 16.30, 19.30, 22.30, 1.30, 4.30 «Факт» ахборот дастури.
7.40, 1.40 «Кичик хонимча» телесериали.
8.40, 14.40, 23.10 Ҳаммабон иқтисодиёт.
8.50, 18.10 Телефорум.
9.10, 20.50, 5.50 Мусикий мозаика.
9.25, 18.30, 2.35 Эраклар ташвишлари.
9.55 Матбуот: рози ва қарши.
10.00, 16.00 «Лайлакча». Болалар дастури.
10.40 «Орқадан эсаётган шамол». Телесериал.
11.30, 22.00 «Хотин-қизлар сизлар учун».
11.55 «Хўжжати экран».
12.55, 21.55, 6.55 «Фавкуллода хадиса рўй берганда».
13.40 «Капалак-орол» телесериали.
14.50, 6.25 «Табият ҳимоясида». Илмий-оммабон сериал.
15.25, 22.40 «Спорт хар кун».
15.55, 0.55 «XX асрдан XXI асрга».
16.40 «Харобалар отишмаси». 2-қисм.
17.45 Мусикий дастур.
19.00 Аср бўсағасида.
19.40 «Сохта она» телесериали.
20.45, 6.10 «V. I. P. студиясида меҳмонда». Л. Зикина.
21.00, 3.05 «Ер сайёрасининг чорҳаларида» илмий-оммабон сериали.
23.20, 4.40 «Қарши туриш». 6-қисм.
1.00 «Дўстлар даврасида».
4.00 «Актёрлар уйи».

EN TV

11.05, 19.55 «Селеста» сериали.
14.00, 15.40, 1.05 REN TV янгиликлари.
14.05 «Альфред Хичкок намойиш этади» телесериали.
14.35 Теледўкон.
15.05 «Халокатлар анатомияси».
15.45 «Угрюм-дарё». 4-қисм.
17.15 «Севимли аёл» сериали.
18.15 Мультсериал.
19.15 «Мухаббат орзулари» телесериали.
20.55 Ҳарбий сир.
22.30 «Момақалдиқроқли довод» тарихий мелодрама.
0.35 «Учинчиси ортиқча» ток-шоуси.
1.20 «Лаззатли зулум» ўткир сюжетли киноқисса.

ТВ МАРКАЗ

6.55, 8.15 «Навигатор».
8.00 Мультфильм.
10.25 «Слободка» тележурнали.
10.35, 19.15 Ишбилармон Москва.
10.45 Даромад жойи.
10.55, 12.55, 14.55, 16.55, 18.55, 20.55, 1.35 Янгиликлар.
11.15 «Айдорлик» сериали.
12.10, 18.20 Биз билан бирга қолинг!
12.25 «Экспедиция» хўжжати сериали.
13.00 «Тимур ва унинг команди» бадий фильми.
14.25 «Усавер, кичкинтой!»
14.40, 1.20 Петровка, 38.
15.25 Интернет-қаҳвахона.
15.55 «Ранг-баранг тасма» тележурнали.
16.25 «Адлиялар кўчаси» тележурнали.
17.00 «Худудлар: очик сўз».
17.30 «Биринчи даражали қотиллик» телесериали.
18.25 «Элвин ва бурундуқлар» мультсериали.
19.30 «Йўқолиб бораётган дунё». хўжжати сериали.
20.05 «Кутулган йўлидаги ёлгон» телесериали.
21.30 «Ечилган тизимчалар» бадий фильми.
23.20 Август. XX аср. Бомба.
0.15 «Учинчи тугма».
1.45 «Вақт сени банд этганда» бадий фильми.

ТНТ

8.00, 8.30 Мультсериаллар.
9.00, 17.30 «Қоронгуликдан кўрқмайсанми?» ўсмирлар учун сериали.
9.30 «Қара, қандай ўсишяпти». 15-қисм.
10.00, 18.00 «Сан-тропе» ёшлар сериали.
11.00, 19.00 Хотин-қизлар ҳаётидан.
11.30 «Осиёлик алоқачи» сериали.
12.30 «Севги формуласи» бадий фильми.
14.15, 15.00, 20.00 Мультфильмлар.
14.30 «Уимзи уйи» сериали.
15.10, 23.30 Теледўкон.
15.30 «Марисоль» телесериали.
16.30 «Шўх аёл» телесериали.
19.30, 1.50 Э. Николаеванинг муаллифлик дастури.
20.30 «Уни Никита-2 дердилар» сериали.
21.30 «Нэш Брижес детективи» сериали.
22.30 «Гуноҳлар» сериали.
23.45 «Улкан янгиликлар».
23.50 «Мидга хиббони» драматик фильми.

SHANBA 21.08

ЎЗТВ

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.50 «Янгрисин шўх ялларар».
9.20 «Хидоят сари».
9.45 Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигининг 8 йиллигига: «Истиқлол фидойилари».
«Мунаввар қори». Хўжжати фильм.
10.00 «Ўзбекистон спортнинг нуфузи».
10.15 Телевизион миниатюралар театри. «Кулгу дастаси».
«Умид» намойиш этади:
10.50 «Орзулар қанотида».
11.20 «Ҳазилхон ёшлигим».
11.45 «Сайқал».
12.05 О. Ёкубов. «Авлодларга ва сиёят». Ю. Ражабий номидаги Жижзах вилоят драма театрининг спектакли.
13.55 1999 — Аёллар йили. «Санамлар сарвари».
14.35 «Ринг». Спорт дастури.
15.00 Ватан тимсоллари.
15.05 «Эзувчи ва замон».
15.30 Ёш хонандалар концерти.
16.00 Украина фильмлари ҳафталиги. «Бу шунақа уйин». Бадий фильм.
17.35 Ватан тимсоллари.
17.40 Энг улғу, энг азиз танловчи. «Озод ва обод юрт».
18.00 Болалар учун. «Фламинго».
18.25 «Иқтисод ва биз».
18.50 «Бахтли воқеа».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истиқлол нашидаси».
21.15 «Қишлоқ ҳаёти».
21.40 «Буюк келажак-2000». Телемарафон.
22.15 «Олам кўшиққа тўлсин». Мусикий дастур.
23.00 Футбол. «Пахтакор» (Тошкент) — «Насаф» (Қарши).
23.45 «Ахборот».
00.15 Нақадар тотли сўз «Озодлик». «Бенхур». Бадий фильм. 1-қисм.
01.50-01.55 Ватан тимсоллари.

ЎЗТВ II

9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.50 «Қусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.

риал. 73-қисм.
10.40 «Ёшлар» телеканалда.
10.45 «Сурур». Мусикий дастур.
10.55 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
11.15 «О, ёшлигим».
11.35 «Машраб» Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.
12.30 «Танишинг». Акмал Саъдиқонов.
12.45 «Истиқлол неъматлари» Наманган вилоятидан тайёрланади.
13.05 «Ўзбек мумтоз шеърлятидан».
13.10 «Кинотакдим».
13.30 Мусикий лаҳзалар.
13.35 «Рамаёна». Телесериал.
14.10 «Спорт қитъаси». Теннис.
14.40 «Шу куннинг мавзуси».
15.00 «Тарзан». Телесериал.
15.45 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
16.15 Синема.
17.40 «Сенинг вақтинг».
18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
18.35 «Мусиқа теграида».
18.55 «Эски альбомдан».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалда.
19.35 «Матбуот».
19.55 «Рамаёна». Телесериал.
20.35 «Бизнес-академия».
20.55 «Ўзбекистон — Ватаним».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ер ишқи». Мусикий дастур.
21.40 «Сир».
22.00 «Истиқлолни қуйлайман».
22.05 «Бахс, мунозара, таҳлил».
22.30 Мусикий лаҳзалар.
22.35 «Кутилмаган меҳмон».
22.50 Шарқ тароналари.
23.20 «Эски альбомдан».
23.25 «Ёшлар» телеканалда.
23.35 Синема. «Махсус бўлишма».
01.20 «Хайрли тун!»

ЎЗТВ III

8.45 Кўрсатувлар дастури.
8.50 Соғлом бўлай десангиз.
9.00 «Тонгги пойтахт».
9.30 «Хайвонот оламида».
9.40 «Ерилош». Мульттўлам.
10.00 «Ёшлар худуди».
10.30 Болажонлар экрани.
12.00 «Ибрат».
12.30 Шарқ тароналари.
12.50 «Бева Бланка». Телесериал.
13.35 «Таянч».
14.00 Кинонигоҳ.
15.35 «Тошкент ва тошкентликлар».

15.50 «Дўстлик» видеоканали.
«Умид», «Чинсан».
16.35 «Ёввойи табият».
17.25 «Авиа олами».
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.10 «Ерилош». Мульттўлам.
18.25 «Шов-шув». Телесериал.
19.15 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Янги ой чиққан кеча».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ҳамшаҳарлар».
21.30 «Даллас». Телесериал.
22.20 «Кувонч лаҳзалари абадий».
22.40 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 Кинонигоҳ.
01.50 «Хайрли тун, шахрим!»

ЎЗТВ IV

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Кино сайёраси».
9.20 Кинематограф. «Флобер». Бадий фильм.
10.50 «Жонли сайёра».
11.05 «Болалар олами».
11.20-12.25 «Аччиқ данак». Бадий фильм.
17.35 «Бинафша».
17.55 «Бу ажиб дунё».
Россия жамоат телевидениеси.
18.10 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
18.25 Кумуш серия. Жан Маре саргузашт «Капитан» фильмида.
20.00 «Время».
20.35 «Махфий хўжжатлар». Сериал.
22.15 «5 дақиқа ўзинг учун».
22.20 «Дил изхори».
22.30 Кинематограф. «Кичкинтойнинг гаройиб саргузаштлари». Бадий фильм.
24.00 «Ахборот» (рус тилида).
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

9.05 «Мусикий тонг». Мусикий-дам олиш дастури.
9.25, 13.45, 18.00, 19.50, 01.30 — «ТВ-хамкор», «Метеохабар».
10.00 Болалар канали.
10.40 Болалар учун фильм.
11.35, 20.10 — «Клип-фотосовга» танловчи.
11.45 «Клип-совга».
12.00 «Тушқи кино».
13.30 «Оддий кучук». Жониворлар ҳақида дастур.
14.15 «ТВ 101». Ёшлар учун сериал (АҚШ).
15.00 Хинд киноси.
17.30 «Экран санамлари».
18.30 «Шарқ юлдузи». Тарихий шаҳарларга савҳат.
19.00 «Омерта ёки сукут сақлаш кодекси». Детектив сериал.

20.20 «Клип-совга».
21.30 «Ҳафта фильми».
23.15 Мусикий-дам олиш канали.
24.00 «Бедорлик».

РЖТ

7.00 Вия Артамне «Эдгар ва Кристина» фильмида.
8.25 «Рухоний сўзи». Митрополит Кирилл.
8.45 «Хонаки кутубхона».
9.00, 14.00, 17.10 — Янгиликлар.
9.15 «100%» дастури.
9.45 «Тонгги почта».
10.20 «Сихат-саломатлик».
10.50 «Смак».
11.10 Бир нодир асар тарихи.
11.35 «Ҳамма нарсаси бўлиши мумкин!».
11.55 Вия Артамне, Вахтанг Кикабидзе ака-ука Вайнерларнинг «Мен, терговчи...» детективиди.
13.25 «Цивилизация» дастури.
15.15 «Хайвонот оламида».
14.55 Биринчи канал коллекцияси. Мел Гибсон Франко Дзеффи-реллининг «Гамлет» фильмида.
17.30 Бу қандай содир бўлган эди? «Бойқўнғирдаги ҳалокат».
1960 йил.
18.10 «Аралаш-қуралаш» журналидаги кувнок воқеалар.
18.25 Кумуш серия. Жан Маре «Капитан» саргузашт фильмида.
20.00 «Время».
20.35 «Махфий хўжжатлар». Сериал.
22.15 Футбол. Россия чемпионати. «Динамо» — «Локомотив».

РДТ

7.00, 8.30, 11.45 — Мультфильмлар.
7.20 Болалар учун фильм.
9.00 «Хайрли тонг, юртим!».
9.35 «Ўз-ўзига режиссер».
10.05 «Юзга бир». Тележурнал.
10.50 «Бир боқишда муҳаббат».
11.15 «Олтин қалит».
11.30 «Хўшабарлар».
12.00 «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи».
13.00, 19.00 — «Вести».
13.30 «Новвоҳонадаги воқеа».
Болалар учун қисқа метражли бадий фильм (Исландия).
13.45 «2001». Бадий фильм (Хиндистон).
16.00 «Русча жанг».
17.00 «Менинг оилам».
18.00 «Эски квартира». Дайджест. 70-йиллар. 2-қисм.
20.00 Евгений Матвеев, Галина Польских, Лариса Удовиченко ва Никита Джигурда «Русчасига севиш» фильмида.
21.45 Витторио Гассман «Йулба-

рс ва мушукча» комедиясида (Италия).
23.30 «Қизикқон ўнлик».

ТВ-6

9.05, 19.30, 00.50 — «Йул назорати» фильмида.
9.20 Мультфильм.
9.50 Мультсериал.
10.15 «Жек Холборн». Сериал.
11.05 «Робин Гуд». Сериал.
12.00 «Чердачок». Кувнок шоу.
12.25 «Диск-канал».
13.30 Вия Артамнени кутлаймиз! «Театр». 1,2-сериялар.
15.25 «ТВ-6 худуди». А. Политковский дастури.
15.50 «Бу — Жириновский!».
16.15 «ОСП-студия».
17.10 «Флиппер III». С

YAKSHANBA 22.08

ЎЗТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.00 «Буюк келажак-2000». Телемарафон.
9.30 «Ер ва диёр тароналари».
9.45 «Ғаройибот».

«Умид» намоиш этади:
10.00 «Ватанимга хизмат қилман».

11.00 «Болалигим — пошлолигим».
11.25 «Шоҳруҳ» клуби.
11.55 «Бўстон». Тележурнал.
12.25 «Муштарак оҳанглар». Мусикий дастур.
13.00 «Кувнок стартлар». Телемусобақа.
13.40 «Мозийдан бир мўъжиза».
13.55 Ватан тимсоллари.
14.00 «Келин-куёв». Телешоу.
15.00 «Камолот сари».
15.20 «Аруз гулшани».
15.30 «Куйла, ёшлигим».
16.00 «Одам бўлмайди». Бадийий фильм.
17.30 Ватан тимсоллари.
17.35 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига.
«Сехри шўъла». Кинокурсоват.
18.00 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.30 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
18.55 «Ўзлик». Бадийий-публицистик курсатув.
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)
20.05 «Санъат олами».
20.30 «Тахлилнома».
21.15 «Истиклол наҳидаси».
21.25 «Якшанба оқшомида». Мусикий-дам олиш дастури.
22.10 «Футбол майдонларида».
22.30 «Устоз санъаткор». Сора Эшонтураева.
23.00 Телеанонс.
23.15 Кино янгиликлари.
23.30 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
23.50 «Бенхур» Бадийий фильм. 2-қисм.
01.30-01.35 Ватан тимсоллари.

ЎЗТВ II

9.00 «Якшанбада яхши дам».
9.40 «Янги авлод» студияси намоиш этади.
10.30 «Сарвиноз». Мусикий дастур.
10.40 «Инглиз тили сиз учун».
11.05 «Ёшлар» телеканалида.
11.10 «Кусто командасининг суювисти саргузаштлари». Телесериал. 74-қисм.
11.35 Европа иттифоқи. Сафар таассуротлари.
11.55 Мусикий лаҳзалар.

12.00 «Лаззат».
12.20 «Машраб». Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрининг спектакли. 2-қисм.
13.10 «Цирк, цирк, цирк».
13.30 «Премьердан сўнг». Бухородаги II ўзбек миллий фильмили кинофестивали.
13.55 «Янги овоз: Санжар Холхўжаев».
14.10 «Премьердан сўнг». (давоми)
14.35 «Эркин фикр».
15.00 «Рамаяна». Телесериал.
15.35 «Юлдузлар олами». Илҳом Иброҳимов.
15.55 Синема.
17.15 «Бугуннинг боласи».
17.30 Шарқ тароналари.
18.00 «Янги авлод» студияси намоиш этади.
18.20 «Китоб жавониргизга».
18.35 «Очун».
18.55 Мусикий лаҳзалар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Синфдош».
19.55 «Рамаяна». Телесериал.
20.35 «Дунё ҳафта ичида».
20.55 «Каталог».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Менинг орзуим».
21.35 «Мусика салтанати». Ҳалима Носирова.
21.55 «Фидокорлар ҳазиллари».
22.15 «Истиклол қайтарган номлар: Мирзо Улуғбек айёми».
23.15 «Спорт ҳафтаномаси».
23.35 «Ёшлар» телеканалида.
23.45 Синема. «Тунги назорат».
01.10 «Тонг қолдузи!»

ЎЗТВ III

8.50 Соғлом бўлай десангиз.
9.00 «Тонги пойтахт».
9.30 «Ёрилтош». Мультипликация.
9.50 Болажонлар экрани.
11.30 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам»
11.50 «Дурдона».
12.10 «Бева Бланка». Телесериал.
12.55 «Туризм ҳақида».
13.25 «Хориж хангомаси».
13.45 Такрорий фильмлар экрани.
15.25 «Спорт-тайм».
15.50 У. Бодий. «Беш сўм...». Абдор Хидоятлов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.
17.35 «Жозиба».
17.55 «Якшанбадан — якшанбага».
18.10 «Ёрилтош». Мультипликация.
18.35 «Камолот сари».
19.05 Табриклаймиз, кутлаймиз.
19.30 «Тахлилнома».
20.05 «Дурдона».
20.30 «Тахлилнома».

21.15 «Ибрат».
21.45 «Якшанбадан — якшанбага».
22.00 «Даллас». Телесериал.
22.45 «Тошкент оқшоми». Телешоу.
23.20 Оҳанглар ва эълонлар.
23.35 Кинонигоҳ.
01.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎЗТВ IV

9.05 «Эртақларнинг сехри олами».
10.10 «Парле ву франсэ?»
10.35 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
10.45 «Ҳазда фақат қизлар». Бадийий фильм.
12.20 «Фан-тайм». (Болалар учун инглиз тили)
12.30-13.15 «Дўстлик» видеоканали. «Рангинкамон», «Маврид».
18.05 «Мультикарнавал».
18.20 «Тенгдошлар».
18.40 «Бу ажиб дунё».
18.55 «Кинопрофи».
19.15 «Интернет ҳудуди».
19.30 «99 йил қўшиқлари».
Россия жамоат телевидениеси.
20.00 «Время».
20.50 Жаҳон киноси. «Банзай». Саргузашт комедия.
22.40 «5 дақиқа ўзинг учун».
22.45 «Мюзик-холл».
23.05 Лаки-Страйк намоиш этади. «Телехабарлар». Бош ролда Д. Николсон. Бадийий фильм.
01.05 «Тахлилнома» (рус тилида)
01.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

9.05 «Мусикий тонг». Мусикий-дам олиш дастури.
9.25, 13.45, 18.00, 19.50, 00.20 — «ТВ-ҳақорат». «Метеохабар».
10.00 Болалар канали.
10.40 Болалар учун фильм.
11.35, 20.10 — «Клип-фотосовғача» танлови.
11.45 «Клип-совғача».
12.00 «Тушки кино».
14.15 «ТВ 101». Ёшлар учун сериал.
15.00 «Оилавий кино».
16.40 «Брейн-ринг». Интеллектуал ўйин.
17.35 Спорт дастури.
18.30 «Висол». Мусикий дастур.
19.00 «Омерта ёки сукут сақлаш кодекси». Детектив сериал.
20.20 «Клип-совғача».
21.30 «30-канал» да якшанба киноқўшоми.
23.15 «Мак Гайвер». Саргузашт сериал (АҚШ).
24.00 «Бозор». Видеоода.

РЖТ

7.00 Мультсеанс.
7.10 Владимир Гостюхин «Тасодифий йўловчи» фильмида.
8.30, 14.15, 14.45 — «Дисней-

клуб».
9.00, 14.00 — Янгиликлар.
9.15 Дм. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
9.35 «Ҳамма уйдалигида».
10.10 «Тонг қолдузи».
11.00 «Армия дўкони».
11.30 «Янгра, гармон!».
12.00 «Деҳқон ахборотномалари».
12.30 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.
13.25 Евгений Петросяннинг «Кулги панорамаси».
15.15 Ёзги кинотеатр. Александр Збруев, Михаил Ульянов, Дмитрий Астраханнинг «Ҳаммаси яхши бўлади!» халқ комедиясида.
17.05 «Аралаш-қуралаш» журналидаги қувнок воқеалар.
17.15 Хоккей. «Спартак» кубоги. Финал.
20.00 «Время».
20.50 Жаҳон киноси. «Банзай». Саргузашт комедия.
22.40 Людмила Зикина Андрей Макаревичнинг «Абазур» дастурида.
23.10 Тунги кинозал. «Майкл Хаммер: Майк Хаммернинг қайтиши». Сериал.

РДТ

7.00 Мультфильмлар.
7.30 «Ватанимга хизмат қилман!».
8.00 «Қишлоқ хабарлари».
8.30 «РДТ почтаси».
9.00 «Хайрли тонг, юртим!».
9.30 «Аншла» таништиради.
10.00 «Шаҳарча».
10.30 «Бола тилидан». Телеўйин.
11.00 «Рус лотоси».
11.40 «Леонид Куравлев Китоблар олами билан».
12.00 Род Стайгер «Эхтирос ва жаннат» детектив телесериалида.
3-серия.
13.00 «Вести».
14.10 «Саломатликка». Ток-шоу.
15.10 «Конун ва тартиб». Телесериал.
16.05 «Жониворлар ҳақида мулоқотлар».
17.00 Енгил атлетика бўйича Жаҳон чемпионати. Испаниядан олиб қўрилади.
18.35 Алексей Жарков, Владимир Этуш «Ухлаган итнинг уйотманг» авантюра комедиясида.
21.00 «Кўзгу».
21.55 Марина Ладина ва Сергей Лукьянов Иван Пирьевнинг «Кубань казаклари» мусикали комедиясида.
23.50 «К-2» таништиради.
00.45 «Навбатчи қисм».

ТВ-6

9.05, 19.30 — «Йўл назорати».
9.20, 16.10 — Мультфильмлар.
9.35 «Жек Холборн». Сериал.
10.25 «Робин Гуд». Сериал.

11.20 «Диск-канал».
11.50, 12.35 — «Севсанг-қара». Видеокиллер.
12.00 «Мазаси озингда қолади» курсатуви.
12.30 «Канон».
13.00 «Хафтанинг олти янгиликлари».
13.40 «ТВ-6» кинотеатри. Юрий Никулин хотирасига «Тулум» 1, 2-сериялар.
15.45 «Спартак» — чемпион!
17.10 «Юлдузлар юлдузлар ҳақида: Юрий Николаев».
17.35 «Севсанг-қара» Видеокиллер.
17.45 «Президент пойгалари».
18.45 «Ҳафта ҳалокатлари».
19.50 «Бис». Қувнок курсатув.
20.20 «Сиз-шоҳидсиз».
20.55 «Обзореватель» таҳлилий курсатуви.
21.50 «ТВ-6» кинотеатри. «Гедон қиличи».
00.55 «Бизнинг мусика». Валерий Леонтьев.
01.55 «ТСН-спорт».
02.10-03.45 «Донор». Даҳшатли фильм.

НТВ

9.00, 11.00, 13.00, 17.00, 20.00, 23.00 — «Бугун».
9.10 Болалар сеанси. «Хазиналар ороли». Саргузашт фильм.
10.40 «Эски телевизор» эслайди: «Фитиль».
11.15 «Қариндош». Бадийий фильм.
12.45 Мультфильм.
13.25 «Мени тушу»н. Телеўйин.
13.55 Ғаройиб сайёҳатлар. «Китнинг денгиз бўйлаб саёҳати» (Буюк Британия).
14.30 Людмила Максакова, Юрий Соломин, Лариса Удовиченко ва Виталий Соломин «Қўршапалак» мусикий фильмида. 1, 2-сериялар.
17.30 «Касби-репортёр».
17.45 «Тўй».
18.15 «У қотилликни баён этди». Сериал.
19.05 «Номалум уруш». 13-фильм. «Украинанинг озод қилиниши».
20.35 Кино олами. Алек Болдуин ва Эрик Робертс «Само асирлар» жангари фильмида (АҚШ).
23.45 «НТВ» да премьераси. Жон Седвидж ва Клифф де Янг «Карнозавр» синови» фильмида. 2-серия.
01.15 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.
01.25 Сўнгги киносеанс. Сильвия Кристель «Эммануэль-2» фильмида (Франция).

АСТ

7.00, 22.00 Халқаро спорт ҳафталиги.
7.30, 22.30, 1.30, 4.30 «Факт» ах-

борот дастури.
7.45, 10.30, 13.45, 18.35 Мультфильмлар.
8.15 «Халокат». 2-қисм.
9.30, 21.30 «Узоқ ва яқинлар».
10.00 «Фестивали мамлакат».
11.40, 3.00 Мусикий ҳаёт.
12.40 «Айқча Ниданинг саргузаштлари».
13.00 «Лайлакча». Болалар дастури.
14.05, 1.45 Экранда театр.
15.15, 5.00 Сафархалтасиз сафар.
15.30 «Аср бўсағасида».
16.00 Кинопанорама. Учрашулар.
17.25 Саргузашт фильмлар экрани.
19.00 Телефорум кундалиги.
19.20 Мусикий дастур.
19.30 Благоевост.
20.00, 3.55 Галерея.
20.05 «Шарқлик муштумзўр». 2-қисм.
21.10, 0.35 Катталар учун мультфильм.
22.45, 4.45 Постфактум.
23.00 Актёрлар уйи.
23.25 «Ойнинг қоронғу томони». 2-қисм.
1.00 «Мусикий вернисаж».
4.00 Экран юлдузлари.
5.15 «Аёлларни асранг». 2-қисм.
6.25 Классика. Сайланма.

REN TV

11.00 «Селеста» телесериали.
12.30 «Жиллетт».
13.00, 19.15 «Пляж» телесериали.
14.00 «Жумбоки ўғирлик» бадийий фильми.
15.30 «Реноме».
16.05 Футбол. Англия биринчилиги.
17.50 «Олтин шар» телеўйини.
20.15 «Бешинчи устун».
20.30 «Махфий материаллар».
22.30 «Гавай белгиси» телесериали.
23.30 «Оқ тўти» клуби.
0.05 «Кўнғирок қила туриб томоша қил».

ТВ МАРКАЗ

10.00, 15.55 Мультфильмлар.
10.20 «Дик Торпин» болалар учун

Бошлиқ кўл остидаги ходимига деди:

— Сиздан зўр жиноятчи чиқарди!
— Нега энди?
— Чунки фаолиятингиздан бирорта из қолдирмайсиз-да...

Ёшгина ўғил отасининг ёнига югуриб келди:

— Отажон, мих қоқмоқчиман. Болгани кўлимга уриб олмаслигим учун нима қилишим керак?
— Болгани иккала қўлинг билан ушла...

Онаси кизига деди:

— Бу йигит шундоқ ҳам оқсоқ, кўзи ғилай, ғирт етим экан. Унга турмушга чиқма!
— Ойижон, мен чирой кетидан қувмайман.
— Гап бунда эмас, кизим. Йигитга раҳминг келсин, у шундоқ ҳам ҳаётда кўп азоб тортган экан...

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁСБ бошлиғи ички хизмат полковниги **Ю. Ҳ. КОСИМОВ**га!

Хурматли **Юсуп Ҳасанович**! Сизни ушбу кундаги кутлуг айёмингиз — таваллуд кунингиз билан самимий кутлаймиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, масъулиятли ишларингизда омад ва зафарлар тилаб қоламиз.

ИИБ ЁСБ шахсий таркиби.

Тошкент вилояти ИИБ ЖКБ бошлиғи, милиция подполковниги **Равшан Рустамович АҚБАРОВ**ни 15 август — таваллуд кунлари билан самимий муборакбод этамиз. У кишига мустақам соғлиқ, узоқ умр, оилавий бахт, хизматларида зафарлар тилаймиз.

Вилоят ИИБ ЖКБ шахсий таркиби.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ХБ ва ОВАҚБ катта инспектори милиция подполковниги **Абдурашид Жабборов**

вич ҚОРАБОЕВни таваллуд кунин билан табриклаб, узоқ умр, саломатлик, келгуси ишларида омадлар тилаб қоламиз.

Ҳамкасблари ва дўстлари.

Хурматли **Олмурод ЭШҚОБИЛОВ**! Сизни кутлуг 40 ёшга тўлганлигингиз билан чин қалбдан табриклаймиз. Осойишталикни сақлашдек масъулиятли хизматларингизда омад ёр бўлсин. Саломатлик, ширинсуханлик, бахт сизни тарқатмасин.

Ҳамкасбларингиз ҳамда оила аъзоларингиз номида Ганишер, Шерзод, Ҳорбек, Моҳигул, Муҳлис.

Юнусобод тумани ИИБ ходими милиция катта сержанти **Баҳром Рустамович ЖУМАТОВ**! Сизни 30 ёшга тўлишингиз билан табриклаб, узоқ умр, саломатлик, хизматингизда омадлар тилаймиз.

Онанинг Анора, аканинг Шухрат, уганинг Баҳоридин, Шерзод, сингилларингиз Шоира, Дилфуза, Мархабо.

«Зукко» фирмаси

ўқув маркази

сизларни турли курсларга ўқишга таклиф этади

3 ойлик

Бичиш-тиқиш — бир ойга 1500 сўм.
Бошловчилар учун инглиз тили — бир ойга 1500 сўм.
Телерадиоусталари — бир ойга 1500 сўм.
Бухгалтерия — бир ойга 2500 сўм.
Сунъий гуллар ясаш — бир ойга 2500 сўм.
Массаж — бир ойга 2500 сўм.

2 ойлик

Ҳар хил тортлар тайёрлаш — бир ойга 1500 сўм.
Сартарошлик — бир ойга 2500 сўм.
Ўқишни битирганларга диплом берилади.
Манзилмиз: метронинг «Тинчлик» бекети. «Азиза Сайфи қизи» ательесининг ичида. «Адида» дўкони ёнида.
Тел.: 42-19-57, 42-19-58.

«ДИЛОРОМ» ўқув маркази

таклиф этади:

2 ойлик:

1. Компьютер билимлари.
2. Замоновий бухгалтерия ҳисоби.
3. Зардўзлик — бухороча.
4. Тиқиш-бичиш, моделлаштириш.
5. Аёллар устки кийимларини тиқиш-бичиш, моделлаштириш.

3 ойлик:

1. Компьютерда бухгалтерия ҳисоби.
2. Инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун)
Манзил: Абай кўчаси, 4 «д»-уй, 1-қават, 115-хона, мўлжал: Алишер Навоий метро бекати, «Қишлоқхўжалиқ мўлҳират» биноси.
Тел.: 144-58-34; 58-48-50.

«КАМОЛОТ-COMPUTER» БИЗНЕС МАКТАБИ

қуйидаги ўқув курсларга таклиф қилади:

уч ойлик:
— ҳисобчилар, компьютер таълими билан бирга;
— инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун);
— болалар учун инглиз тили;
— банк иши ва компьютер билимлари.

икки ойлик:
— замоновий бухгалтерия ҳисоби;
— банк иши;
— компьютерда ишлаш таълими (WINDOWS 95, MS OFFICE 95, ЭЛЕКТРОН ПОЧТА);
— дастурлаш тиллари;
— бичиш-тиқиш зардўзи.

бир ойлик:
— 1С: бухгалтерия дастури билан ишлаш таълими;
— INTERNETга ўқитиш.

Курсларни тугатгандан сўнг диплом берилади.

Манзилмиз: Тошкент ш. Навоий-11, 30-хона («Камолот» республика ўшлар жангармачи биноси).

Тел.: 41-59-74, 58-48-50.

«О.МАК.С» ФИРМАСИ

қуйидаги ўқув курсларига таклиф этади:

3 ойлик:

— Инглиз тили (бошловчилар учун)
— Инглиз тили (давом этувчилар учун)
— Ҳисобчилар компьютер таълими билан бирга
— Инглиз тили ва компьютер билимлари
— Банк иши ва компьютер билимлари

2 ойлик:

— Замоновий ҳисоб-китоб
— TOEFL тестига тайёрлаш
— Банк ишлари
— Компьютерда ишлаш таълими (WINDOWS 95, MS OFFICE 97)
— COREL DRAW 7

1 ойлик: 1С бухгалтерия дастурида иш юритиш

5 кишилик гуруҳларда ўқитиш имконияти бор **Махсус программа бўйича ўқитиш имконияти бор**

Ўқишни тамомлаганларга 3 тилда диплом (сертификат) берилади.

Бизнинг мутахассисларимиз сифатимиз гаровидир.

Тел. 68-45-40, 68-26-59.

Паркент кўчаси-51

Транспортлар: Автобус: 1, 44, 89
Трамвай: 3, 6, 13, 20, 29

Шифокорлар малака ошириш институти меҳмонхонаси **1-подъезд, 8-қават**

«Пушкин»
Шифокорлар малака ошириш институти
Горький пр.
«Буюк Ипак йўли» (Горький)

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Сирдарё вилояти Сирдарё тумани ИИБ томонидан **Турапов Абдушам Мухамбеталиевич** қидирилмоқда. У 1963 йилда туғилган, 1999 йил 23 февраль кунини ўзи яшаган Сирдарё тумани Асалчи давлат хўжалигидаги уйдан чиқиб кетиб, бедарак йўқолган.

Белгилари: бўйи 160-165 см, озгиндан келган, кўзлари қисик, сочи, қоши ва кўзлари қора, чап кўлининг бош бармоғи устига "Т" ва "А" ҳарфлари кўк сийҳа ёзилган.

Кийимлари:

бошида қора теплак, эгнида қора костюм-шим, қора йўл-йўл кўйлак, оёғида махси-калш бўлган.

Абдушам Тураповни кўрган билганлар ақин ўртадаги милиция бўлинмасига хабар беришларини сўраймиз.



1999 yili —
Ayollar yili

Muqaddas dargoh Malikalari

АҲОЛ

— Наталья опа, нима учун айнан шу соҳани танлагансиз?

— Биласизми, — дейди Наталья Николаевна Подгорнова кулибгина, — ёшлигимдан ҳуқуқшунослик касбига жуда қизиққанман. Шунинг учун милицияга ишга таклиф қилишганида кўп ўйлаб ўтирмай, рози бўлдим. Ўз ишимни жуда севаман. Бизнинг касбимиздаги одамлар ҳамisha қонун билан ҳамнафас бўлишади. Милиция кийимидаги киши эл-юртнинг, жамиятнинг кўз ўнгиди, ҳурмат-этиборида бўлади. Кўпчилик сенга мурожаат этиб, у ёки бу масалада йўл-йўриқ, маслаҳат сўрайди. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг: одамларга ёрдам бериш — қандай яхши! Ҳамиша инсонларга керак бўлиш — қандайин бахт!..

Наталья Николаевна — асли қўқонлик. Ўрта мактабни тамомлаб, ҳуқуқшунос бўлиш орзуида юганида милицияда ишловчи яқин қариндоши шу соҳага ўтишини маслаҳат берди. Шу тариқа 1971 йили 18 яшар қиз Қўқон шохбекати тармоқ ИИБ ВЕИИнда нозир бўлиб ишлаб бошлади. Жамоадагилар уни очик чеҳра билан жуда яхши кутиб олиб, ўз сафларига қабул қилганлари Натальяни янада руҳлантириб, ғайратига ғайрат қўшди. Дастлаб бўлимнинг ўша пайтдаги бошлиғи Владимир Васильевич Круглов, бўлинма бошлиқлари Федор Иванович Костин, Рўзमतжон Тиркашевлар ёш ходимга ҳар томонлама қўлларидан келганича ёрдам бердилар.

Милиция сафида ишлар экан, Натальянинг орзулари ушалди. Кўп ўтмай у Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кириб, уни сиртдан муваффақиятли битирди, олий маълумотли ҳуқуқшунос дипломига эга бўлди.

Мана, Наталья Николаевна ўз меҳнат фаолиятини бошлаганига ҳам роплароса 28 йил бўлди. Шу давр мобайнида у дастлаб бўлинма нозир, сўнг катта нозир вазифаларида ишлади. Н. Подгорнова 1997 йилдан ВЕИИ бошлиғи лавозимида меҳнат қилмоқда. Бу давр ичида Наталья опа қўлида ўндан зиёд шогирдлар етишиб чиқдилар. Милиция лейтенантлари Алижон Қўшоқов, Абдуғози Абду-

НАҲОС

раззоқов, Ўткир Ашурматов, старшина Гулнора Носирова уни ўз устозлари деб биладилар.

Қўқон шохбекати тармоқ ИИБ жамоаси Фарғона темир йўл бўлимининг салмоқли қисмига хизмат кўрсатиб, эл-юрт осойишталигини таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда. Вояга етмаган ўсмирлар билан ишлаш ҳам осон эмас.

Уларни эса ҳамма ерда учратиш мумкин: кўчада, бошорда, шохбекатда... Уйдан аразлаб чиққан ёки қочган ўсмир бола боши оққан томонга жўнавориш мақсадида дуч келган поездга ўтириш учун шохбекатга келади. Ўсмирлар поездларга тош отиб, ойналарини синдирадилар, пўлат изларга турли нарсаларни қўйиб, алоқа ва сигналлаштириш қурималарига зарар етказиб, темир йўл ёқасида чорва молларини боқиб, ҳаракат хавфсизлигига ҳам, ўз жонига ҳам даҳл қиладиган ҳоллар учраб туради. Афсуски, шу сабабли аянчли ҳолатлар, бахтсиз ҳодисалар ҳам рўй бермоқда. Масалан, ўтган йили Фурқат станцияси яқинида қўй қатб юрган, 1988 йилда туғилган, Учқўприк туманилик А. Тўрақулов, темир йўл ёқасида мудраб қолган, Бағдод туманилик, вояга етмаган Н. Тоштемиров, Ариқбоши бекатида темир йўлни кесиб ўтмоқчи бўлган, Бешариқ туманилик, 1983 йилда туғилган З. Эҳсоновлар поезд тагида қолиб, ҳаётлари фожиали якунланди. Қўқон—Қақир станцияси оралиғида темир йўл ёқасида кетаётган, Бағдод туманилик, 1984 йилда туғилган Х. Холиқова бошидан ва оёғидан оғир жароҳатланди...

Кўпинча бундай ҳолларнинг олдини олишга эришиляпти. Агар 1998 йилда ВЕИИга минг нафарга яқин ўсмир олиб келинган бўлса, бу йил бу кўрсаткич сезиларли даражада камайди. Улар билан суҳбатлар, тушунтириш ишлари олиб

да масалани ҳал қилиш ҳокимликлар қошидаги вояга етмаганлар ишлари бўйи-

НАҚШИ

ча комиссияларга ҳавола этиляпти. Шукрки, йил бошидан буён ўсмирлар ўртасида бахтсиз ҳодисалар, жиноятлар рўй берганича йўқ.

Н. Подгорнованинг фикрича, ўсмирлар ўртасида тартиббузарлик ҳолларининг рўй бериши, оқибатда улар-

нинг жиноятчилиқнинг боши берк кўчасига кириб қолишларида аввало ота-оналар айбдор. Улар кейинги пайтларда турмуш ташвишлари билан ўралашиб бўлса керак, фарзандлари-га, уларнинг тарбиясига анча бефарқ бўлиб қолишди. Бу гаплар қисман ўқитувчиларга ҳам тааллуқли. Эрталаб бир атрофга назар ташланг: агар соат тўққизларда, дарс пайтларида ҳам мактаб ёнида ўқувчилар бекор юришган бўлса, бунга мактаб ҳам, оила ҳам сабабчи. Вояга етмаганлар ишлари назорати бўлинмасига тушадиган, тартиббузарлик қилган кўпчилик ўсмирларнинг ота-оналари ичида бирор жойда ишламайдиганлари ҳам бор. Илгарилари уларнинг иш жойларига ёзиб, чоралар кўриларди. Шунинг учун ҳам эндиликда оила, маҳалла, мактаб, ҳуқуқ-тартибдор идоралари ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, бу ишда кенг жамоатчилиқнинг, барча жамоат ва нодавлат ташкилотларининг кучларини бирлаштириш зарур.

Мана, ўқувчиларнинг ёзги таътиллари тугаяпти. “Ғамхўрлик-99” тадбири режаси бўйича бўлинма нозирлари маҳаллаларда бўлиб, ўсмирлар, уларнинг ота-оналари билан темир йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари мавзусида суҳбатлар ва тушунтириш ишларини олиб бордилар. Бу ишлар бевосита болалар оромгоҳларида ҳам давом эттирилди. Масалан, Чодакдаги “Темирйўлчи” оромгоҳида нозирлар навбатчилиги йўлга

қўйилди. Улар бевосита оромгоҳда ўсмирларга ҳуқуқ ва бурчларини тушунтириб, профилактика ишларини олиб бордилар.

Н. Подгорнова бўлимда хотин-қизлар кенгаши-

нинг раисаси сифатида ҳам фаол иш олиб бормоқда. Аёлларбон муаммолар туғилганда, ходимларнинг рафиқалари бўлимга келганида, албатта, Наталья Николаевнага учраб, маслаҳатлар сўрашади. У эса ҳамisha одамларга ёрдамга шай. Опанинг ўғиллари ҳам унинг изидан боришмоқда. Каттаси Игорь Россияда жиноят-қидирув соҳасида ишлайди. Владимир эса Россиядаги олий милиция мактабини тамомлаяпти.

Н. Подгорнованинг кўп йиллик самарали меҳнатлари бир неча нишонлар ва пул мукофотлари билан муносиб тақдирланган.

Президентимиз томонидан 1999 йилнинг Аёллар йили, деб эълон қилиниши мамлакатимизда беқиёс ҳилқат бўлган аёллар ва оналарга катта ғамхўрлик бўлди.

— Аёллар йили мамлакатимиздаги муҳим воқеадир, — дейди Н. Подгорнова. — Жамиятимизда меҳр-муҳаббат тимсоли бўлган аёлларимизга эътибор тобора ортиб бораётгани қувонарли ҳолдир. Истарадимки, ҳамкасбларимиз, барча йигитлар оналарига, рафиқаларига янада меҳрибон ва ғамхўр бўлишсин. Оммавий ахборот воситалари ҳам аёллар муаммоларига кўпроқ аҳамият берсалар...

Ҳа, Қўқон шохбекати тармоқ ИИБда ВЕИИ бошлиғи, милиция майори Наталья Николаевна Подгорнова деган ажойиб аёл ишлайди. Доимо одамларга ёрдам бериш, уларга ҳамisha керак бўлишини ўз бахти деб билган бу инсон фаолияти ҳақида қисқача ҳикоя қилдик, холос. Шундай кишилар билан учрашганда милиция кийимидаги кишилар чиндан ҳам жамиятимизнинг фидойи аъзолари, фаол тарбиячилар эканлигига ишонч ҳосил қиласан...

Ўқтамжон МИРЗАБОВЕВ,
Қўқон шохбекати тармоқ ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция катта лейтенанти.

Абдумалик ИСОМИДДИНОВ,
журналист.



Бахтимдан ўргулай!

А. САПАРМАТОВ фото-лавҳаси.

SHULARNING O'ZI BAXT

Сурхондарё вилояти ИИБ ЖООБ ВЕИИ катта нозир, милиция майори Замира Сиддиқовадан ўзи ҳақида гапириб беришни илтимос қилдик.

— Мен ота касбини танлаганман. У киши 35 йил ички ишлар идораларида хизмат қилган, ҳозирда истеъфодаги милиция майори. Онам 7 фарзандни оқ ювиб-оқ тараб, вояга етказганлар. Мендан ташқари уч укам милиция ходимидир.

Денов шаҳридаги 1-мактабда ўқиётганимда синф раҳбаримиз Валентина Михайловна Тимошенко: “Ким қандай касбини танлаган бўлса, шу ҳақида альбом тайёрлаб келсин” деб топшириқ берди. Мен уйга бориб: “Дада, бизга вазифа берилди, мен сизга ўхшаб милиция ходими бўлмоқчиман, альбом тайёрлашга ёрдам беринг” дедим. Дадам кулиб: “Мен сени ҳисобчи бўлишингни истардим, математикани яхши биласан-ку” дедилар-да, хизмат вақтида ҳамкасблари билан тушган фотосуратларини бериб, ўзлари ҳақида гапириб бердилар. Мен шу суратларни альбомга ёпиштириб, милиция касби шарафли эканлигини ёздим ва альбом бетида “Менинг милициям — посбоним”, деб чиройли ҳарфлар билан ёзиб қўйдим. Ҳозиргача шу альбом мактаб музейида сақланмоқда.

1974 йили мактабни битириб, Денов тумани халқ судига котиба бўлиб ишга кирдим. Бир йилдан сўнг туман ИИБ паспорт бўлинмасида паспортчи вазифасини бажара бошладим. Менинг бошлиғим милиция майори Мадина опа Ишмуродова эдилар. Шу йили Душанбе Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кирдим. Мадина опа ярим ҳазил, ярим чин: “Ўқилишингни тугатсанг, ўз жойимни сенга бериб, нафақага чиқаман”, дердилар.

1976 йилда ҳамкасбим Ботир Сиддиқовга турмушга чиқдим. Ўзимни энг бахтли аёл деб ҳисоблардим. Чунки эримни жонимдан ортиқ севардим. Минг афсуски, бу ажойиб инсоннинг умри қисқа экан. Ҳозирги вақтда икки фарзандимни, бири кўзимнинг оқи, бошқаси қораси деб, уларга ҳам оналик, ҳам оталик меҳрини бериб, вояга етказмоқдаман. Уларнинг бахти — менинг бахтим дея, ҳар куни Яратгандан соғлиқ-саломатлик тилайман.

1981 йилда эгнимга милиция формаси кийиш насиб этди. Вилоят ИИБ жиноят-қидирув бўлимига инспектор вазифасига қабул қилиндим. Биринчи олган унвоним милиция кичик лейтенанти эди. 1982 йилда ўқишни сиртдан тугатдим ва милиция лейтенанти унвонига сазовор бўлдим. 8 йилдан буён эса вояга етмаганлар билан ишлаш хизматидаман. Ёшларнинг “Қамолот” жамғармаси билан биргаликда мактаблар, маҳаллалар, коллеж ва лицейларда турли мавзуларда суҳбатлар ўтказиб турибмиз. Шу жамғарма ташаббуси билан ташкил этилган “Сиз қонунни биласизми?” кўрик-танловида икки йилдан буён Ҳайъат аъзоси сифатида иштирок этаман. Бундан ташқари ўтган йили вилоят Хотин-қизлар қўмитасига аъзо бўлиб, “Ҳуқуқшунос аёллар” уюшмасининг раиси этиб тайинландим. Менимча, шуларнинг ўзи бир бахт.

М. РАҲИМОВА ёзиб олди.

– Туринг, суд келаяпти!

Суд залида ўтирганлар ба-
робар ўринларидан туради-
лар. Ҳаммининг диққат-эти-
бори кириб келаятган судья
Боғдагул Бекжоновга эмас,
тахта тўсиқ ортида, қора кур-
сидан оғир кўзгалган тўлаги-
на аёлда. У аксари уй бека-
ларига хос одмигина кийин-
ган, бошида рўмол. Судланув-
чи бу аёлнинг кечагина ўз
“мухбирлик фаолияти” билан
кўпларнинг юрагига гулгула
солиб юрганига ишониш қий-
ин. Унинг мўлтираган кўзлари-
га, мунгайиб ўтиришига қараб,
юрагинг ачийди ҳам. Лекин
далил-исботлар қайсар бўла-
ди. Гувоҳлар эса ҳақиқатни,
фақат ҳақиқатни гапиришга
мажбурлар. Зеро, улар
ҳақиқатга ёлгон-яшиқ хусумат
сўзларни қўшиб гапира ол-
майдилар ҳам. Чунки судла-
нувчи ва гувоҳларнинг бир-
бирига хусумати, адовати йўқ.

– Бу опа 6 май куни ҳибс-
хонага келиб, ўзини Ўзбекист-
тон Республикаси ИИБ газе-
талари — “Постда” — “На по-
сту”нинг мухбири Шайхова
Гулнора Жабборовна деб та-
ништириб, ҳибсхонада сақ-
ланаётган Л. Пак билан суҳ-
батлашиши зарурлигини айт-
ди ва зудлик билан уни Л. Пак
билан учраштиришимни талаб
қилди, — дейди ҳибсхона хо-
дими бўлмиш гувоҳ. — Мен
унга маҳбус билан учрашти-
риш ҳуқуқим йўқлигини, бу-
нинг учун Нукус шаҳар ИИБ
тергов бўлинмаси бошлиғи-
дан рухсат олиб келиши ло-
зимлигини айтдим...

– ...У ердан тўғри Нукус
шаҳар ИИБ тергов бўлинмаси-
нинг бошлиғи олдида бордим.
Ўзимни “мухбир” деб таниш-
тириб, Тошкентдан Пак Лео-
ниднинг “дело”сини қайта
тергов қилиш учун 7-9 киши-
дан иборат комиссия видео-
камералар билан келиб, қай-

дингиз? — савол беради Ко-
рақалпоғистон республикаси
ИИБ ШТБХ бошлиғининг
ўринбосари милиция подпол-
ковниги И. Пирматов. — Ва
нима учун айнан менга учра-
дингиз? Сизни ИИБда биров
кутиши керакмиди?

– Ҳа. Мен ИИБда бировга

Тошкентнинг Юнусобод туман-
нидан. Унинг гапларига ишон-
сак, “Зилола” хусусий фирма-
сининг директори, Қорақалпо-
ғистондан гуруч олиб келиб,
сотиш билан шуғулланган. Шу
тариқа қорақалпоқ йигитига
шаръий никоҳ билан турмуш-
га чиққан. Аввалги турмуши-

понлари учун емиш ташийдил-
лар — болаларим бировдан
кам бўлмасин, соғлом ўссин
деб вақтида едириб-ичириб,
вақтида ўқитадилар. Фарзанд
вояга етган сари ота-онага
рахмат ҳам, лаънат ҳам фар-
занддан, унинг юриш-туриши,
қилмиши туфайли келади.

Ўйин-қулгу, еб-ичишга кел-
ган уруғ-аймоқ бошинга иш
тушганда келмаса? Ахир М.
Салимова аёл боши билан
уни бунга уриштириб, фириб-
гарлик қилиб бўлса ҳам топиб-
тутиб, яқинларига едириб-
ичирган. Наҳотки ичган тузла-
ри ҳурмати, оға-ини, ука-син-
гиллар бир оғиз ҳол сўрашга
ярамаса? Бу — туғишганлар
орасида меҳр-оқибатнинг
йўқолиб, маънан қашшоқла-
шиб кетганлигининг исботи
эмасми? Тўғри, Мавлуда
йўлдан адашди, лекин қинғир
йўлга кириб кетаётганини, шу
йўллар билан кетма-кет мол,
қўй, туя... сўйиб, катта-катта
“садақа”лар бераётганини
кўрган-билган қариндош-уруғ-
лар нега бир мартагина “қада-
мингни ўйлаб бос, бу ишнинг
охирги вой” дейишга ярама-
ди?!

...Судланувчига охириги сўз
берилади:

– Қилмишларимдан пушай-
монман. Кимларнингдир кўз
ёшларига ачиниб, бировларга
ишониб, қалтис ишга қўл ур-
дим — айбдорман. Тўрт болам
ҳурмати, кечиринглар.

Суд маслаҳатга киради...

Суд ҳукм ўқийди: “... суд-
ланувчи М. Й. Салимова ЎзР
Жиноят кодексининг 168-мод-
даси 4-қисми билан айбдор
деб топилиб, ўн уч йил муд-
датга озодликдан маҳрум
этилсин...”

Шаҳзода
ХУДОЙБЕРДИЕВА,

Тошкент—Нукус—Тошкент.

SOXTA MUХBIRNING TAQDIRI

Malikaligini unutmagan ayol yoki mavzuga qaytib...

та тергов ўтказишини, шунинг
учун мен олдинроқ жиноят
иши билан танишмоқчилигим-
ни билдирдим. Тергов бўлин-
масининг бошлиғи кўрқиб
кетди (кулади). Иккаламиз иш
юзасидан очик гаплашдик. У
“иш”ни очган одам ҳозир
йўқлигини, эртага бўлишини,
у келса Пакнинг “дело”сини
олиб беришини айтиб, менинг
ихтиёримга ўз машинасини
берди. Мен унинг машинаси-
да уёқ-буйёқ бордим...

Ҳозиргина кўзларига мунг
чўкиб турган аёлнинг ўз қил-
мишлари — алдов ва фириб-
ларини кула-кула сўзлашидан
атрофдагилар лол. У нега кул-
япти? Ўзининг кимсан тергов
бўлинмасининг бошлиғини
“кўрқитиб” юборганиданми
ёки мухбирлик ролини қўйиб
қилиб адо этганиданми?

– Республикада газета-
журналларнинг тури кўп. Сиз
нима учун айнан ИИБ газета-
сининг “мухбири” бўлиб кел-

учрашим керак эди — фа-
милияси, исмини унутдим(?).
Сизнинг ёнингизга тасодифан
кириб қолдим. Янглишганим-
ни сезиб, шошиб қолганим-
дан сизга ҳам ўзимни “Пост-
да”нинг мухбири деб юбор-
дим. Милиция газетасининг
халқ орасида обрўси бор.
Шунингдек, милиция ходимла-
ри, хизматчилар ҳам ўз газе-
таларини, унинг мухбирини
хурмат қилади, гапини ерда
қолдирмайди, деб ўйладим...

Аёлнинг бири-бирини ин-
кор қилувчи, чалкаш ва чала-
кам-чатти гапларининг ораси-
дан ростни-ростга, ёлғонни-
ёлғонга ажратишда мутасад-
диларга сабр-қаноат тилай-
лик-да, жараёни фақат хо-
лис кузатувчиси бўлиб, кўра-
била жиноятга иккинчи марта
қўл урган аёл, она ҳақида фикр
юртайлик.

– Ўзини “Гулнора Жаббо-
ровна Шайхова” деб таниш-
тирган Мавлуда Салимова

дан тўрт фарзанди, онаси, ука-
лари, қариндош-уруғлари
бор. Бировнинг пулига муҳтож
эмас, мол-дунёси, пули ўзига
етарли. С. Пакдан пул олиши-
га сабаб, Пакнинг ўзи “сенинг
таниш-билишинг кўп, укамни
қамокдан чиқаришга ёрдам
бер” деб қўймаган. П. Наҳмад-
динова билан бир неча йил-
лик қадрдон, шунинг учун
унинг боласини ўқишга кирит-
моқчи бўлган, (агар кўлга туш-
маса) ўқишга киритарди ҳам...

Ота-Она! Инсон турмуш
қуриб, “Ота-она” деган муқад-
дас номга сазовор бўлгач,
уларнинг биринчи вазифаси
— фарзандга чиройли исм
қўйиш бўлса, кейингиларни
уни ҳалол-пок, мўмин-мусул-
мон, соғлом, меҳнаткаш инсон
қилиб тарбиялаш, эл-юрт ол-
дида доимо обрўли-мартаба-
ли, иззат-ҳурматли бўлиши
учун жон куйдиришдир. Фар-
занд ёшлигида ота-она қўш
каптардек оғзиларида поло-

Шуни унутмаслигимиз керак-
ки, биз, ота-оналарнинг кўра-
била босган биттагина ноҳўя
қадамимиз туфайли йиллар
давомида шамолни раво
кўрмай папалаб ўстирган фар-
зандимизнинг обрўси, келажак-
га ҳам кулга айланиши ҳеч гап
эмас. Бунга М. Салимованинг
қилмишлари мисол бўла ола-
ди.

Суд жараёнида мени изти-
робга солган яна бир нарсаси —
Мавлуда Салимованинг орти-
дан, суд бошланиши ҳақида
телеграмма берилган бўлса-
да бирорта қариндошининг,
яқинларининг келмагани,
унинг тақдири билан қизиқма-
гани бўлди.

– Онам ва укам келиб-ке-
тишди, — дейди М. Салимова
ерга қараб. — Мен 9-май куни
мол сўйиб, худойи қилмоқчи
эдим, шуни хабарлагандим.
Мени бундай ҳолга тушганим-
дан беҳабар, худойига деб
келишган экан...

BILMAGANNI SO'RAV BILING

Икки фарзандим бор. Қизим Наргиза бир ойлик
бўлди. Айтингни, гўдак она сутини қанча ичиши ке-
рак?

Н. Жуманиёзова.
Хоразм вилояти,
Урганч шаҳри.

Мутахассисларнинг фик-
рича, бола ярим ёшдан ош-
гача фақат сутдан олиши
мумкин бўлган озиқ-овқат
моддалари унга етарли
бўлмай қолади. Шу боис
хилма-хил овқатлар бериш
зарур. Сутни эса бир кеча-

кундузда кўпи билан 500–
600 граммдан оширмаслик
лозим. Бир кеча-кундуз
сут миқдорининг ярмиси
ўрнига кефир, қатиқ, аци-
дофилин каби сут-қатиқ
маҳсулотлари берган маъ-
кул.

Эшитишимча ер куррасида беш-олтитадан бола
туққан аёллар ҳам бор экан. Шу ҳақда маълумот бер-
сангизлар.

З.Отаниёзова,
кўп болали она.

Манбаларда ёзилишича,
Американинг Портленд шаҳ-
рида яшовчи Андерсон хо-
ним беш эгизак: уч ўғил ва
икки қиз кўрган. Чақалоқлар
ва уларнинг йигирма саккиз
ёшли онаси ўзларини яхши
сезишмоқда. Ажабланирлиси,
гўдаклар онаси туғилган кун

дунёга келганлар. Денвер
шаҳрида истиқомат қилувчи
Эдна Станек эса бирданига
олти фарзанд кўрган.

Кўшним суҳбат орасида: “Қайсидир юртда пул ёйиш
одати бор”, деб қолади. Очиғи, ишонмадим...

М. Расулова,
шифокор.

Баъзан кесак, бўр истеъ-
мол қилгим келиб
қолади. Бу одатдан қуту-
лиш мумкинми?

Н. Салима.
Тошкент шаҳри.

Х. Алимова,
шифокор:
– Одатда айрим ҳомила-
дор аёллар кесак, гилвата,
бўр, тузга бошқоронғи бўла-
дилар. Бундай ҳолларда овқат
сифатини ўзгартириш, каль-
ций ва фосфорга бой бўлган
пишлоқ, тухум сариғи, сут,
турли дармондорилар истеъ-
мол қилиш тавсия этилади.
Бир кеча-кундуз давомида 4
стакандан бир литргача сут
ичиш кальций ва фосфорга
бўлган талабни бутунлай
қондиради.

Кўшнингиз тўғри айтиб-
ди. Швейцариянинг Цюрих
шаҳрида яшовчи ўсмирлар
пулни пишириб ейишни одат
қилишгани ҳақида маълумот-
лар бор. Улар пулни ота-она-
ларидан ўғирлаб қайнатиша-
ди. Қайси ўсмир қанча кўп
пул еса ўртоқлари уни шун-
ча шаддод санашади. Бир
бола бир кечада 12 минг
АҚШ долларини пишириб
еб қўйган...

Саъдулла ШОДИЕВ
тайёрлади.

SIKLOKROSSVORD

Азиз муш-
тарийлар!
Ушбу цикло-
кроссворд-
нинг доира
шаклидаги
ташқи қисми
беш ҳарфли
сўзлардан,
ички қисми
эса тўрт
ҳ а р ф л и
сўзлардан ту-
зилган. Улар-
ни тегишли
рақамлар те-
в а р а г и г а
(белги қўйил-
ган хонадан
бошлаб) соат
м и л и н и н г
ҳаракатлани-
шига монанд
йўналишда ай-
лантириб ёзиш
зарур.

1. Ўзи оппоқ, қор
эмас, нон бўлмади, ун
эмас (топишмоқ). 2. Амалий
безак санъатининг энг қадимий
ва кенг тарқалган тури. 3. Қулф оч-
қич. 4. Бахт оёқ остида ётмайди, ... мана мен
деб турмайди (мақол). 5. Ишдан кейин дил
чоғлаб, Капирни белга боғлаб, Қўй ёғини хўп
доғлаб, пиширдим жонон... (Пўлат Мўмин). 6.
Ўриши (тандаси) зардан, арқоғи ипакдан му-
раккаб нақшлар ҳосил қилиб тўқилган мато. 7.
Меҳмон жойи — тўр, жавзо келмай, ... сўр (Ўзбек
халқ мақолларидан). 8. Уй паррандаси. 9. Ту-
рар жой биноларининг бир хил баландликдаги
хоналари. 10. Ташиш воситаларидан бири. 11.
Эй кўзлари хуморим, ... қил, бунча куйдирма,
Куйди сабру-қарорим, Дилим куйгунча куйди-
рма (Туроб Тўла). 12. Аёллар тақадиган безак.
13. Олтин сочдим тождор, Бунга ҳамма хари-
дор (топишмоқ). 14. Тўй бошланур бугундан, Тўй
муборак, ёр-ёр, ... олинг тугундан, Тўй мубо-
рак, ёр-ёр (Кўшиқдан). 15. Хамир ёйиш, нон
ясаш учун мўлжалланган буюм. 16. ... каби ай-
лаб хиромон, Рақсга тушди бир гўзал жонон
(Эркин Воҳидов). 17. Полиэстек. 18. Вақти
билан соч тишлар, Ойнага қараб ишлар (янги

топишмоқлардан).
19. Кийимнинг ички
қавати. 20. Ипак мато. 21. Ип газлама. 22.
Эркак ва аёлнинг бир-бирига ва болаларига
нисбатан ҳуқуқий мажбуриятлар келтириб
чиқарувчи оилавий иттифоқи. 23. Ширинлик.
24. Олди-сотди муомаласи. 25. Миллий та-
омлардан бири. 26. Банк бўлими. 27. Илоҳи
борича одамларга... ҳадя қилган киши энг
бахтиёр кишидир (Д. Дидро). 28. Қишлоқ
хўжалиги асбоби. 29. Буюмнинг пул қийма-
ти. 30. Миллий косметик бўёқ. 31. Кондитер
маҳсулот. 32. Уй-рўзгор буюмларидан бири.
33. Ёрга садоқат. 34. Яхшини кўриб, ... қил,
ёмонни кўриб, шўкр қил (ҳикмат дурдонала-
ридан). 35. Бир ўзи, минг кўзи (топишмоқ).
36. Болаларни ухлатиш учун оналар айтади-
ган кўшиқ. 37. Тартиб-интизомнинг энг зўр
мактаби — ... (С. Смайил). 38. Парфюмерия.
39. Баланд шоҳда қизил ... пишган экан (Му-
ҳаммад Юсуф).
Тузувчи: Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ.

ИДИШ-ТОВОК
АЛЮМИНИЙ 50, 40, 30, 20, 10 литрли
ҚОЗОН, КАСТРЮЛКА
ЭМАЛЛАНГАН ЧЕЛАК, КРУЖКА,
ТОВОК, КАСТРЮЛКА
ШИША, СТАКАН, СЕРВИЗ, ЛИКОБЧА
ТЕМИР: ҚОШИҚ, ВИЛКА ПУЛ ЎТКАЗИШ
ЙЎЛИ БИЛАН
Тел.: 55-34-06, 55-02-90

МАҲАЛЛА ТИНЧЛИГИ — ЮРТ ОБОДЛИГИ

Мустақиллик — муқаддас неъмат. Халқ, фуқаро манфати эса ана шу муқаддаслик нишонасидир. Яъни, республикада фуқаролик жамиятини барпо этиш, давлат бошқарувида уларнинг фаоллигини ошириш ва бошқа бир қатор ишларни бажариш мақсадида ўз-ўзини бошқариш органлари зиммасига қатор вазибалар юкланмоқда. Айниқса, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда фуқароларнинг онгли иштироклари, аввало, маҳалла тинчлигида намоён бўлади. Маҳалла тинчлиги эса юрт осойишталиги, демократия, Ахир кексаларимиз бежиз "Ватан маҳалладан бошланади" дейишмаган. Кимки ўз ҳуқуқини билса, ўзгаларни ҳам ҳурмат қила олади. Шу мақсадда Республика Вазирлар Маҳкамасининг "Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган жиноятларнинг олдини

олиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғриси"даги Қарори қабул қилиниб, ўз-ўзини бошқариш органлари қошида яраштириш комиссиялари ва "Маҳалла посбонлари" жамоат тузилмалари ташкил этилиб, Низомни тасдиқланди. Ушбу қарордан келиб чиқиб, вилоятимизда 708 та маҳалла посбони жамоат тузилмаси ташкил этилди. Уларга 2684 нафар софдил, ватанпарвар, соғлом, маънан етук ва кўнгилли фуқаролар жалб қилинди. Улар жиноятчиликка қарши курашда милиция ходимларига ёрдам бермоқдалар. 95 нафар собик милиция ходими ушбу тузилмага жалб қилиниб, раҳбарлик лавозимига тайинланди. Мана, орадан уч ой вақт ўтди. Ана шу қисқа вақтда маҳалла посбонлари томонидан 92 нафар ҳуқуқбузар фуқаролар ИИБларга олиб келинди. 105 нафар жиноят содир этишга

мойил шахс аниқланиб, ҳисобга олинди. Бешта жиноят очилди. Демак, посбонлар ички ишлар ходимларининг ишончли ҳамкорига айланишмоқда. Юқорида айтиб ўтганимиздек, ушбу гуруҳ аъзолари, аввало, маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни таъминлашади. Авваллари бир болага етти қўшни онаналик қилган. Чиндан ҳам ҳар маҳаллани ўз фуқаросидан яхшироқ биладиган киши бўлмаса керак. Жумладан, Давлатобод туманига қарашли "Янги тонг" МФЙ қошида ташкил этилган "Маҳалла посбони" жамоатчилиги тузилмаси ҳам ана шу каби ишлари билан ибрат бўлмоқда. Ушбу тузилмага аввал МФЙ котиби бўлиб ишлаган Шарифжон Сайидбоев раҳбарлик қилмоқда. Беш нафар маҳалла посбони билан биргаликда участка вакиллари яқиндан ёрдам беришмоқда. МФЙ, маҳалла посбонлари, яраштириш комиссияси, участка вакиллари биргаликда иш олиб боришяпти. Уларнинг ҳамкорлиги ўз самарасини бермоқ-

да. Маҳалла посбонлари барча тадбирларда иштирок этишмоқда. Яқинда маҳаллада вилоят миқёсидаги ўқув-семинар ҳам ўтказилди. Унда барча туман ИИБ бошлиқлари, прокурорлари ўринбосарлари, шахар ва туман судьялари, "Камолот" жамғармаси раислари, МФЙ раислари, халқ таълими бўлими ва ҳокимликлар вакиллари иштирок этдилар. Ушбу ўқув-семинарда "Янги тонг" МФЙ, маҳалла посбонлари фаолияти юқори баҳоланди. Шу ўринда маҳалла посбонлари ҳар томонлама ўқувли ва билимли бўлишлари лозимлигини таъкидлаш жоиз. Айтиб ўтганимиздек, улар сафига ҳуқуқий маданиятли, билимли, софдил йигитлар қабул қилинади. Шундай бўлса ҳам, маҳалла посбонларини ҳудди малака ошириш курслари каби курсларда вақти-вақти билан ўқитиб борилса, янада фойдали бўларди. Ахир, иланиш бор жойдагина ютуқлар бўлиши табиий-ку.

Одилжон МАШРАБОВ,
Наманган вилояти ИИБ
бошлигининг ўринбосари,
милиция подполковниги.

Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ,
журналист.

ЁШЛАР УМИДИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг олий билим юртларини битирган ёшлар мутахассислик дипломини олиб, ички ишлар идораларига йўланма олгандилар. Шулардан бир гуруҳи Сирдарё вилоятига хизматга келдилар. Навбатдаги маърифат дарсида ёш мутахассисларни кутиб олиш тадбири ўтказилди. Вилоят ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Р. Тўлаганов сўзга чиқиб, мамлакатимизда миллий кадрларга катта эътибор берилаётгани ривожланган давлатлар тажрибалирдан фойдаланиб, ҳар томонлама етук касб эгалари тайёрланаётганини, жумладан, ИИБ тасарруфидаги олий билим юртларида ҳам бу борада сезиларли даражада ўзгаришлар бўлиб, курсантларга давр талаби асосида билим берилаётганини таъкидлади.

Вилоят ИИБ Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги марказининг раиси, истеъфодаги милиция полковниги Т. Раҳмонов, ёшларни эл-юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида хизмат бошлаганлари билан табриклади. Иш давомида аввало, ҳалол, виждонли ва адолатли бўлиш лозимлиги, тажрибали, милиция ходимларидан ўрганиб, маслаҳатлашиб туриш кераклигини айтиб, Ватан, эл-юртни чин қалбдан севиб, унга хизмат қилишни шарафли бурч деб билишга қақирди.

Ёш мутахассислар жойларда иш бошладилар. Улардан умид катта, чунки эртанги кунимизни ишониб топширяпмиз.

Ў. БОЛТАБОВЕВ,

(Охири. Боши ўтган сонда).

Набижон бир қишлоқ гузарида айрон симириб лабини артиди-да, ўткинчи машина кута бошлади. Чойхона олдида уч-тўртта енгил машина турарди. Уларни кўздан кечираркан, биттасининг гилдиракларига тикилганча қотиб қолди. Наҳотки, ўша из қолдирган гилдираклар?! Майор яқин бориб, уларни синчиклаб текширди. Ҳа, кўравериб кўз ўнгига михланиб қолган излар! Фақат олдинги иккитасиники бошқа, машина тури ҳам...

Шу пайт қора мойга беланган пачоқ пақир кўтариб бир сўлтамат йигит келиб қолди ва машина эшигини очди. Майор у билан саломлашди.

— Ука, марказгача олиб кетинг, — деди кейин.

— Жоним билан олиб кетардим, бошқа томонга бораман-да, ака, — деди йигит бурнини муштининг орқаси билан артиб. — Ҳализамон автобус келади.

— Шошилиб турувдим-да, айтганингизни бераман.

— Ака, менам шашиляпман, тарактирга аптолга келгандим, — йигит мой чайқалмасин деб аччиқмия шохчалари солинган пақирни авайлаб машина ичига қўйди.

Набижон қараса бўлмайдиган, ҳужжатини кўрсатиб, буюришига тўғри келди.

— Бир нарсани аниқлаб оламиз, холос, — деди кўркувдан ранги кўкариб, тишлари тараклаётган йигитни тинчитиб учун. Бу аҳволда йигит машинани бошқара олмаслигини сезган майор рулга ўзи ўтирди.

Маҳкамда сўроқ варақасининг бош қисмини тўлғазган майор саволга ўтди.

— Фамилиянгиз нима?
— Аҳмидов.
— Исмнингиз?
— Овдирайим.
— Паспортингизга "Овдирайим" деб ёзилганми? Хайдовчилик гувоҳномангизни беринг-чи... Ҳм, "Абдураим" дег. Тугилган йилингиз?
— Етмиш бир.
— Нима иш қиласиз?

— Тарактирчи.
— Йигирма тўртинчи май куни кечкурун қаерда эдингиз?

Йигитнинг пешанаси тиришиб, афти бужмайди, лаблари булқиллади.

— Тарактирди уйди олдиға қўйдим-да, мошинни миниб, молларга ўт териб келгани кетдим.

бермадингизми?

— Йўқ.
— Сиз ухлаб ётганингизда бирортаси миниб кетмадимкин?

— Э-э, — йигит узун, бесўнақай қўлини ҳафсала билан силтади, — мошинамди секретини одам боласи билмайди. Тагиға кириб, орқа ўқини таидаги симни уламасангиз ўт

экан, олдим.

Набижон қишлоқдан узокқа кетмаслик шарт билан йигитни қўйиб юборди, машинаси эса маҳкамда қолди. "Демак, жиноятчилар машина гилдиракларини сотиб юборишган, — дея ўйлади майор. — Гилдирак излари қолганига ақллари етган. Ҳа, детектив киноларни кўравериб, ҳамма

деган фикр ярқ этди миясида. Чунки излар бир-бирига жуда яқин, кўп жойларда панжалар рўбарў эди. Набижон ўз устидан масхараляб, маъюс илжайди.

Майор Тошқишлоққа йўл олди. Қишлоқ кўчир-кўчир даврларида қирликда пайдо бўлган маскан эди. Турли томондан юборилган ўрис, татар, греклар уйлари тошдан қуришганди. Эндиликда улар жуда кам қолган.

Набижон тор кўчада ошиқ-маъшуклик қилиши мумкин бўлган ёшларни ҳаёлидан ўтказиб бораркан, бир дераза пардаси сал очилди, шартта ёпилди, уй эгаси яширингандай бўлди. "Нимага чўчиди экан?" — деб ўйлади терговчи ва деразани тақиллата бошлади. Анчагача ҳеч ким қарамади. Лекин охири уй эгасининг асаби чидамади шекилли, дераза очилди.

— Салом, — деди уй эгаси — корейс йигит.

— Салом, — деди майор ҳам. — Сиз билан гаплашмоқчи эдим. Кирсам бўладими?

— Ҳозир, мен кийиниб олай.
Набижон ҳожати бўлмасада энгашиб туфлисини ечаркан, эшик тагида турган туфлига назар ташлади, биттасини атайин тўнтариб юборди. "Ҳм, бу ерда бир гап бор" деб ўйлади у. Кейин хонага кириб стулга ўтираркан, таваккалига хужум бошлади:

— Сиз қотиллик воқеасини кўрган экансиз, нимага гувоҳликдан қочиб юрибсиз?

Шунда:
— Кўрқдим, ўртоқ начальник, — деса бўладими корейс кутилмаганда.

Набижон сапчиб туриб кетди ва бақириб юбораёзди:
— Гапиринг, гапиринг!

Корейслар — Иннокентий ва Света бир-бирларини яхши кўришарди. Улар ўша оқшом ўриқзорга учрашувга чиққандилар. Йўгон танаси ер бағирлаб ўсган ўриққа чиқиб ўтириб олиб висол гаштини суришаркан, алламаҳал бўлиб қолгани билан ишлари йўқ эди. Тўсатдан улар томон машина кела

бошлади. Ошиқ-маъшуклар хайрон бўлиб кузатиб турдилар. Машина тўхтаб, ичидан учта одам тушди. Кейин бир аёлни машинадан судраб чиқаришиб ерга ётқиздилар...

Машина жўнаб кетди, аёл эса ётган жойида қолаверди. Нафас олишга ҳам кўрқиб, Иннокентийнинг пинжиги тикилиб ўтирган Света сал ўзига келди.

— Бориб ёрдам бериш керак! — дея шивирлади у.

Иннокентий индамай пастга тушди ва Светани кўтариб ерга қўйди. Икковлари қўл ушлаганларича кўрқа-писа аёлга яқинлашдилар. Аёл уятли алфозда овоз чиқармай ётар эди. Света унинг у ёқ, бу ёғини ушлаб кўрди. Аёл ингаради.

— Уйга олиб борамиз, — деди Света.

— Яхши... Ие, манавини кўр, — Иннокентий кўлида гувоҳнома ушлаб турарди.

— Анави газандаларники тушиб қолган. Қани кўтар...

Шу пайт машина овози эшитилди ва чирок кўринди. Ошиқ-маъшуклар қочиб қолдилар. Анча нарига бориб пойлаб туришди. Машинадан тушган одамлар, гувоҳномани бўлса керак, роса қидиришди. Кейин аёлни азоблаб, уриб, тепа бошладилар.

— Гувоҳнома қани?! Топ! — деган дўқ-пўписалар ошиқ-маъшукларга эшитилиб турарди.

Охири одамлардан бири машинадан канистр олди. Аёлга бензин қуйиб, ўт қўйиб юборишди...

Корейс йигит шкафни ковлаб, гувоҳномани олиб берди.
— Мен айборман, — дерди у. — Агар гувоҳномани топиб олмаганимда аёлга ўт қўйишмас эди. Гувоҳномани уларга берсам, бизни ўлдиришармиди, гувоҳ қолмасин деб, билмадим, эҳ...

Набижон индаёлмади. Қўлидаги гувоҳномани маҳкам фикимлаганча ташқарига шошилди. У юриб эмас, югуриб борарди.



Ориф ФАРМОН

ГУВОҲДАГИ
ГУВОҲНОМА

— Соат неччи эди?
— Билмасам...
— Кун ботганмиди, йўқми?
— Ботмаганди. Кун ботгунча уйга қайтдим. Молларга ўт солдим.

— Кейин?
— Овқатландим.
— Кейин-чи?
— Телевизор кўрдик.
— Уйда кимлар бор эди?
— Энам, хотиним, ўғилчам.
— Ҳўп, кейин нима қилдингиз?

— Ўғилчани ўйнатиб ўтирдим. Қўлимда ухлаб қолди.
— Кейин-чи?
— Ҳм, ётдик.
— Кейин? Гапираверинг, гапираверинг, — деди майор беихтиёр, қоғоздан бошини кўтармай.

Йигит уялиб, калласини пастга эгди. Шундагина терговчи сўровга жуда берилиб кетганини пайқайди.

— Демак, ўша кунни кечаси уйдан чиқмадингиз? — деди у ёзишдан тўхтаб.

— Йўқ. Эртаманон уштанга қилиб, тарактирди ўт олдириб, далага кетдим.
— Машинамизни бировга

олмайди. У симниям лойди ичидан топиб бўпти. Ўша кунни симини узиб қўйгандим.

Майор қарама-қарши фикрлар оғушида бирпас жим қолди. Кейин деди:

— Энди. Абдураим, гап бундай. Яқинда бўлган қотилликни эшитгансиз. Ана ўша аёл ўлдирилган жой ёнидаги машина гилдираклари изи сиздаги гилдирак изига тўғри келяпти. Бунга нима дейсиз?

Абдураим қаддини кўтарди, кўзлари олайди.

— Ака агар мен борган бўлсам, идти боласи бўлай? Худо урсин! — дея хирқиради у.

Набижон унинг гапига ишонди. Бу йигитдан бирор ёмонлик кутиш қийин эди. Лекин бошқа ифлосларга қўшилиб қолиши мумкин-ку.

— Гилдиракни қачон, қаердан олгандингиз, орқадагисини?

— Шахардан, бозордан олдим, ўн беш кун бурун.

— Кимдан?

— Гилдирак сотадиганлардан-да. Ўзи у бизди мошиндикимас, аммо тушади. Арзон

пишиб қолди. Тагин иккита гилдиракни бозорга чиқаришмасмикин? Э, шунча кунгача сотилмай турармиди. Шунда ҳам барибир текшириш керак".

У хаёл оғушида оёғи тортган томонга қараб юраркан, ички бир туйғу нечанчи мартадир тагин воқеа жойига ундади. "Наҳотки, ҳеч ким кўрмаган бўлса? Жиноят жойи қишлоқдан унча узокда эмас-ку? Ўриқзорда лойга ботган икки жуфт оёқ изи бор. Бири эркакники, иккинчиси аёлники. Ҳўш, нима қилибди, қандайдир эр-хотин ўтса, ўтгандир. Йўқ, улар мурда ёнига келишган, устига устак икки марта. Из қишлоққа қараб кетган, қадамларининг катталигига қараганда югуришган, қочишган".

Лекин Набижоннинг гувоҳ топиш умидидаги ҳамма уриниши аввал чиппакка чиққан эди. Шунга қарамай, яна ҳаракат қилмоқчи бўлди. Ҳозир қотиб қолган лой ерлардаги изларни синчиклаб ўрганаркан, дилига келган фикрларни ёзиб қўяверди. "Оёқ излари ошиқ-маъшукларники!" —

Муродга алам қилди. Ёмон алам қилди. Ўз тоғаси: «Ўғлимни шу йўлдан урган, наркоман қилган, ўлимига сабаб бўлган», дегани ёмон алам қилди. Балки бошданок шу тухматга қолса, бунчалик ўтиб кетмасди.

Дафн куни тоғаси унинг елкасидан ушлаб: «Ўғлим, биламан, сенда ҳеч айб йўқ. Фақат ҳозирча кўча-кўйга чиқмай тур, иложи бўлса, узоқроқ бирор жойга кет. Сўраб-суриштиришлар туғач, қайтиб келасан» — деди. Ўшанда Муроднинг кўнгли жиндай ғаш бўлганди-ю, лекин тоғасининг гапига унча эътибор бермаганди. Кейинроқ участкавойга тушунтириш хати ёзиб берганида индамай қўйиб юборишгач, кўнгли бутунлай жойига тушган, тоғасининг тайинлаганлари ҳам хаёлидан кўтарилиб кетганди.

— Бир куни кечқурун тоғаси чақиртирди. Онаси билан боришди. У ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришди. Марҳум тоғаваччиси Нормуродни ҳам эслашди. Онаси жиндай кўз ёши қилди. Шу пайт кўча эшиги жиринглади. Тоғаси чиқди, кўп ўтмай Муродни ҳам чақиртирди. Икки милиция ходими келган экан, ҳужжат текширишни важ қилиб идораларига олиб кетишди. У ерда маълум қилишдики, тоғаси: «Ўғлимга наркотикни Мурод олиб келган, унга уколни ҳам ўша қилган, деб даъво қилаётган эмиш. ...Эртаси ҳибсхонага тоғаси келиб:

— Жиян, сен парво қилма. Наркотикни мен олиб келдим, де. Бўлмасам, Нормуродни одамлар ашаддий бангига чиқаришди, мен ҳам маҳаллада бош кўтариб юра олмай қоламан, ўғлимнинг ҳам арвоҳи ранжийди. Сен ҳаммасини бўйнингга олавер, прокуратурада танишларим кўп, ўзим сени чиқариб оламан, — деди.

Тоғасининг ўғли доғида, маҳалла-қўйнинг гап-сўзидан чўкиб қолганини кўриб, Муроднинг кўнгли юмшади. «Хўп, тоға», деганини ўзи ҳам билмай қолди. Хатто бир кўрсатмасида: «Тоғавачча Нормуродга наркотикни мен олиб келдим», деб ёзиб ҳам берди. Прокуратура терговчиси жуда синчков экан:

— Нега илгари бўйнингизга олмаган айбингизга энди икром бўляпсиз? Нима туртки бўлди? — деди қизиқсиниб. Мурод бор

гапни тўкиб-солди.

— Қизиқ экансиз-ку, — таажжубланди терговчи, — тоғангизнинг обрўйини сақлаш учун ўзингизни қамоққа тикасизми? Тоғангиз аламзадалигини, нима қилиб бўлса ҳам ўғлининг гиёҳванд шерикларини қаматмоқчилигини биласизми?

Мурод ўйланиб қолди. Охири:

— Унда нима қилай? — деб терговчига жовдираб тикилди.

— Тўғриси-ни гапиринг, ёзиб беринг, — деди терговчи хотиржамлик билан...

...Мурод тоғаваччиси Нормуродни ўз акасидай яхши кўрар, ҳурмат қиларди. Ораларида фарқ икки ёш бўлиб, бирга катта бўлишган эди. Яшириб нима қилди — ичишни ҳам, чекишни ҳам бирга ўрганишган. Одам оилалик бўлиб, олаҳуржин елкасига тушгач, ўзидан ортмай қолар экан. Ҳозир кам кўришишса ҳам, лекин ўрталаридаги меҳр пасаймаган эди. Отаси вафот қилдию, Мурод бутунлай улғайди-қолди. Оилада ёлғиз ўғил эмасми, опаларидан хабардор бўлиб туриш, сингилларини уза-тиш ўз зиммасига туши-шини ҳис қилиб, авваламбор, гиёҳвандликни ташлашга қасам ичди. Ичиш-ни ҳам камайтирди. «Ғам келса кўша келар» деганларидай, Отчопардаги бозор-ўчари ҳам касодга учради.

Ёдига Нормурод тушди. Чорсуда тирикчилик қиларди. Балки қаватига олар деган илинжда эрта-лабдан унга кўнғироқ қилди. Нормурод қувониб кетди:

— Кечга томон «Детский мир»га кел, уйга ўтамиз, бир болаликни эслашамиз, гаплашамиз, ётадиган бўлиб кел, — деб тайинлади.

Муроднинг кўнгли ёришди.

...Нормурод шу кунларда пул алмаштириш, воситачилик билан шуғулланаётган экан. Унинг атрофга олазarak бўлиб, ўтган-кетганнын нақ қулоғига: «Доллар оламан, танга оламан, рубль ҳам тешиб чиқмайди» деб шипшитиб туришини, ҳадоларлар билан савдолорини кўриб Мурод дарҳол:

— Йўқ, Нор ака, бу иш

қўлимдан келмайди. Одам жа шустрый бўлиши керак экан, — деди.

— Аммо даромади зўрда, яна бир чўпни у ердан олиб бу ерга қўймайсан. Ҳа майли, сен бошқа иш қиласан. Точка очиб бераман, ичимлик сотасан. Ўзлари опкеп ташлаб ке-

тишади. Ҳозир сезони. Кейин яна бир гап бўлар.

Нормуроднинг таклифи унга маъқул бўлдию, даромадни тақсимлаш ўйлантириб қўйди.

— Бу ёғини қўявер, тушумга қараймиз. Сени хафа қилиб қўймайман, ўзимни ҳам, — Нормурод ёйилиб кулди, шу асно Муроднинг елкасига қоқиб қўйди...

...Қабобхўрлик қилиб, бир шиша ароқни майда-лашиб Нормуроднинг уйига келишганида соат кечки ўн иккилар бўлиб қолган эди. Мурод креслога ўтирди. Нормурод телевизорга видеомагнитофонни улаб туриб сўради:

— Қанақасидан қўяй: боевигиданми ё анақасиданми?

— Ўзингиз биласиз, — Мурод кўзини олиб қочди. Шу пайт Нормуроднинг хотини чой келтирди.

— Бизга бошқа ҳеч нарса керак эмас, — деди Нормурод хотинига, — бориб ухлайвер.

Хотини чиқиб кетгач, Нормурод меҳмонхона эшигини зичлаб ёпиб, ур-йиқит фильмлиқ кассетани қўйди. Озроқ кўришгач, ҳаёсиз фильмлигига алмаштирди. Орадан ҳеч қанча ўтмай:

— Э бўлмади, — у яна бетоқатланиб, сўнг чўнтагидан оқ кукун солинган елим халта олиб Муродга саволомуз қаради, — ўтказасанми?

Мурод қизиқсиниб қаради:

— Бунақасини кўрмаган эканман.

— Героин бу, ўтказсанг герой қиворади, кўрасанми?

Мурод афтини буриш-тирди:

— Қўйинг, Нор ака,

қасам ичиб зўрға ташлаганман, ўзингиз ҳам биласиз-ку. Сиз ҳам яхшиси ўтказмай қўя қолинг.

— Дам олиш, кўнғилни хуш қилиш ҳам керак-ку бу ўладиган дунёда. Кун бўйи бозорда сил бўлиб кетаман. Сенингча тўтига ўхшаб: «Доллар оламан,

ган сув олиб келди. Героинни обдон аралаштиргач, чўнтагидан икки граммлик шприц олиб, аралашмадан тортди. Мурод бир зум нафасини ичига ютиб, шприцга тикилиб қолди. Бир пайтлар наша чекиб, томирига ўтказиб қилган кайфларини эслади. Ўша

дақиқаларда ундан бахтли, ундан беташвиш одам бўлмасди. Атрофидаги ҳамма нарса, ҳар бир киши унга негадир оламон оламон қувонч бағишларди.

Рухи, унга қўшилиб тани ҳам учиб юрарди гўё. Қайсидир дақиқада кўз олди-га сўнгги пайтларда анча чўкиб қолган муштиллар онаси келди — гўё уйқудан уйғонгандек бўлди. Балки бу гўйибдан етган нажотдир ёки она шўрлик фарзанди кўнғилида кечган галаёни, иккиланишни қалбан ҳис этгандир. Нима бўлганда ҳам, Мурод сўнгги лаҳзада ўзини қўлга олди. «Йўқ, — деди ўзига, — у чоҳга қайта тушсам, қайтиб чиқиб бўлмайди». Лекин Нормуродни қайтаришга бошқа ботинолмади.

Героинни одатдагидан кўпроқ юбордим ёки юраги бўшашиброқ юрган эканми, Нормурод ўзини лоҳас ҳис қилди. Мурод уни авайлаб диванга ётқизди. Қараса, Нормуроднинг нафас олиши секинлашиб, кўзлари олайиб кетяпти. «Тили танглайига кетмаслиги керак!» Яшин тезлигида Муроднинг хаёлидан шу фикр ўтди. У чаққонлик билан Нормуроднинг тилини ташқарига чиқариб, кўкрагини босиб, сунтий нафас олди-ра бошлади. Бу қанча давом этди — билмайди. Бир пайт қўшни хонада Нормуроднинг қизи йиғлади, аёл кишининг овутгани эшитилди. Бир оздан сўнг хонага кўзларини ишқаб кеннойиси кирди. Кирдию:

— Яна ўзларига укол қилдиларми? Жонимга тегиб кетди. Эрта бир кун қизимиз бўй етса, наркоманнинг қизи дейишади. Башаралари қуриб кетсин, — деб жаврай кетди, кейин пастки қаватда турадиган қайноғасини чақириб келмоқчи эди, Мурод:

— Қўйинг, кеннойи, тоғам мендан кўрадилар.

— Унақа деманг. Булар яхши ташвишлар-ку, топганингиз яхшилиқка буюрганига нима етсин.

— Бу гапларинг ўз-ўзингни алдаш, ука. Болалик бир давр экан-да. Ғам-ташвиш йўқ, кунларинг бири-биридан қизиқ ўтарди. Гап фақат пулда ҳам эмас. Худога шукр, пулим етарли. Яшашнинг қизиғи қолма-япти. Айрим пайтлар юрагим қоп-қоронғи бўлиб кетади — ўзимни қаерга қўйишни билмайман.

— Лекин бунингиз ҳам ўз-ўзингизни алдаш-ку, — Мурод кўз қири билан героинга ишора қилди.

— Ҳаёт бошдан-оёқ алдам-қалдам бўлса, бошқа алдовлар кўнғилга бунчалик завқ, кайф бермаса, ман нима қилай? — Нормурод ночор кулди. Гап тополмагач Мурод кўзини олиб қочди.

— Ҳа, майли, сан бу гапларни миянгдан чиқариб ташла, «Нор акам кайф устида алжирдиларда» деб ҳисобла. Ман ҳозир келаман.

Нормурод ошхонага чиқиб бир пиёлада қайнатил-

ган сув олиб келди. Героинни обдон аралаштиргач, чўнтагидан икки граммлик шприц олиб, аралашмадан тортди. Мурод бир зум нафасини ичига ютиб, шприцга тикилиб қолди. Бир пайтлар наша чекиб, томирига ўтказиб қилган кайфларини эслади. Ўша дақиқаларда ундан бахтли, ундан беташвиш одам бўлмасди. Атрофидаги ҳамма нарса, ҳар бир киши унга негадир оламон оламон қувонч бағишларди.

Рухи, унга қўшилиб тани ҳам учиб юрарди гўё. Қайсидир дақиқада кўз олди-га сўнгги пайтларда анча чўкиб қолган муштиллар онаси келди — гўё уйқудан уйғонгандек бўлди. Балки бу гўйибдан етган нажотдир ёки она шўрлик фарзанди кўнғилида кечган галаёни, иккиланишни қалбан ҳис этгандир. Нима бўлганда ҳам, Мурод сўнгги лаҳзада ўзини қўлга олди. «Йўқ, — деди ўзига, — у чоҳга қайта тушсам, қайтиб чиқиб бўлмайди». Лекин Нормуродни қайтаришга бошқа ботинолмади.

Героинни одатдагидан кўпроқ юбордим ёки юраги бўшашиброқ юрган эканми, Нормурод ўзини лоҳас ҳис қилди. Мурод уни авайлаб диванга ётқизди. Қараса, Нормуроднинг нафас олиши секинлашиб, кўзлари олайиб кетяпти. «Тили танглайига кетмаслиги керак!» Яшин тезлигида Муроднинг хаёлидан шу фикр ўтди. У чаққонлик билан Нормуроднинг тилини ташқарига чиқариб, кўкрагини босиб, сунтий нафас олди-ра бошлади. Бу қанча давом этди — билмайди. Бир пайт қўшни хонада Нормуроднинг қизи йиғлади, аёл кишининг овутгани эшитилди. Бир оздан сўнг хонага кўзларини ишқаб кеннойиси кирди. Кирдию:

— Яна ўзларига укол қилдиларми? Жонимга тегиб кетди. Эрта бир кун қизимиз бўй етса, наркоманнинг қизи дейишади. Башаралари қуриб кетсин, — деб жаврай кетди, кейин пастки қаватда турадиган қайноғасини чақириб келмоқчи эди, Мурод:

— Қўйинг, кеннойи, тоғам мендан кўрадилар.

Мана, ўзларига келиб қолдилар-ку, — деди.

Ҳақиқатан ҳам Нормурод энди бир текис нафас олиб ухлаб ётарди. Мурод пича кеннойисининг ҳасратини эшитиб ўтиргач:

— Ман энди борай. Эрталаб хабар оларман, ишни ҳам ўшанда охиригача гаплашармиз, — деб хайрлашиб кўчага чиқди. Осмонда Зухродан бошқа юлдуз қолмаган, тонг гира-шира ёришиб келаётган эди. Субҳидам ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олди. Анча енгил торгандай бўлди. Аммо эрта қувонган экан...

Шу куни кетидан Нормуроднинг қазо қилгани ҳақида хабар келди. Таъзиядан кейин ҳар хил даъволар чиқа бошлади. Орадан йигирма кун ўтиб, кеннойиси ҳам турли тил-ла тақинчоқлару 20000 сўм пули йўқолганини пайқаб қолибди. Гумони Муроддан эмиш.

Мурод тоғасининг аҳволини тушунади. Бўйи бўйинг билан тенг фарзандингдан ажралиш, одамларнинг гап-сўзини кўтариш осон эмас. Лекин, наҳотки, у жигарини қаматиш билан ором топса. Ахир Мурод гиёҳвандликни ташлаганини, минбаъд бу саробдан узоқ бўлишга қасам ичганини тоғаси яхши билди-ку. Наҳотки, маҳалла-қўй олдида ўз обрўйини сақлаш учун жиянини жувонмарг қилишга кўнгли бўлса?

Қилинган даъволар асоссиз топилиб, Мурод овозлиқка чиқди. Кўнғилидаги аламлар ҳам бир қадар босилгандай бўлди. Фақат бир илинж унга тинчлик бермапти. Қани эди, тоғаси чақиртириб: «Майли, жиян, иккови-миз ҳам гина-кудуратларни унутайлик. Шу кўргулик бор экан. Энди Оллоҳ ҳаммамизнинг ҳам кўзимизни очсин» — деса, отасидай бағрига босса. Ахир бир тоға етти отанинг ўрнини босади дейишади. Мурод ҳам ўзини фариштадек оппоқ деб билмайди. Нима қилиб бўлса ҳам у Нормуродни бу чоҳ лабидан қайтариши керак эди. Ҳеч бўлмаганда кейин турли андишаларни йиғиштириб тоғасини чақиртириши, «тез ёрдам»га хабар бериши керак эди. Афсус қилдики лекин энди кеч.

Жасур БҶУРОВ,
Шайхонтоҳур тумани
прокуратураси
терговчиси.
Бобомурод ТОШЕВ.

ТҶППОНЧА, ГРАНАТА ВА ЎҚ-ДОРИЛАР

Гиёҳвандлик моддалари, ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни қонунга ҳилоф равишда сақлаётган кишиларнинг ниятини яхши деб

бўлмайди, албатта. Шу боис, республика ички ишлар идоралари ходимлари бу борада талайгина тал-бирлар уюштириб, кўрини-

шидан жимгина юрса-да, уйда ёки ертўласида инсоният бошига фақат кулфат ва ажал уруғини сочувчи қуролларни ҳамда

гиёҳвандлик моддаларини яширин тарзда сақлаётган кишиларнинг кирдикорларини фош этишмоқда.

Каттақўрғон шаҳри ва Қўшработ тумани ИИБ ходимлари томонидан ҳамкорликда ўтказилган талбир натижасида Қўшработ туманидаги «Олмаота» деҳқон фермер хўжалиги раиси Маҳмуд Холбековнинг уйи кўздан кечирил-

ганда 3,5 килограмм марихуана, оғилхонасидан 180 дона 5,6 калибмли патрон, шунингдек, турли хил ўлчовли тарозилар ва бошқа совуқ қуроллар олинди.

Самарқанд тумани ИИБ ходимлари томонидан «Даҳбед» ДАН масканида текшириш учун тўхтатилган Н. Нуржонов бошқарувидаги «КамАЗ 5320» русумли,

давлат белгиси 12 А 90-22 бўлган автомашина текшириб кўрилганда кабинадаги сумкадан Олмонияда ишлаб чиқарилган 9 миллиметрли револьвер 9 та патрони билан, жанговар граната, Макаров тўппончасининг 8 та патрони ва бир нечта паспортлар топилди. Буларнинг барчаси мусола-ра қилинди.

Ш. РҶЗИЕВ.

Бу дунёнинг ишлари қизиқ...

ҚАНОТЛИ "ИЗҚУВАРЛАР"

Олимларнинг башорат қилишларича, яқин келажакда гиёҳванд моддаларни аниқлаб топишда инсонга... исқаботпарлар кўмаклаша бошлар экан. Исқаботпарлар ўзларининг туғма ҳид билиш қобилияти билан унча-мунчани ортида қолдириб, уларнинг бу иқтидоридан хайрли ишларда фойдаланиш – қўлга ўргатиш ҳам мумкин экан. "Бу полициянинг наркотикига қарши курашувида жуда катта фойда келтиради", – демоқдалар олимлар.

Америка ва Мексика божхоналари ходимлари эса кўпдан буён чивинлардан фойдаланадилар – юкларни текширишда қутичага солинган чивинлар энг кам миқдордаги гиёҳванд моддаларни пайқашса ҳам ёрқин товлана бошлайдилар.

ЭХТИЁТ БЎЛИНГ, ИЛОН!

Бангкокдаги заргарлик дўконларидан бирининг эшигига: "Эҳтиёт бўлинг, дўконни заҳарли илонлар қўриқлайди" деб ёзиб қўйилганига қарамай, қўли билан тутиб, қўзи билан кўрмагунча ишонмайдиган ўғривачалар заргарлик буюмларини ўмаришга уриндилар. Таиланд полициячилари воқеа юз берган жойга етиб келганларида ўғрилар охирига нафасларини олаётган, кўзойнакли илонлар эса уларга тикилганича "жанговар ҳолатда" турардилар.

Ҳиндистоннинг Гвалиор шаҳрида ҳам шунга ўхшаш ҳодиса юз берган. Босқинчилар тўдаси ибодатхонага бостириб кириб, отларини устунларга боғлаганларича, ҳаммаёқни алғов-далғов қила бошладилар. Шунда қаердандир пайдо бўлган кўзойнакли илон тўда бошлигининг оёқларига ўралиб, қимирлатмай қўйди. Етиб келган аҳоли ва полициячилар босқинчиларни қўлга олдилар.

Бироқ илонларни фақат полициячилар ҳурмат қилиб қолмай, оддий фуқаролар ҳам уларни ўзларига дўст деб биладилар: уй-жойлари, жиҳозларини қўриқлашни бемалол ишониб топширадилар.

Бразилия аёлларининг кўпчилиги эса сумкачаларида кичкина илон асрайдилар – бегона қўл бу сумкага йўлай олмайди.

АҚШга ҳар йили юз минглаб ўрмаловчилар олиб борилади. У ерда илонларга бўлган талаб кундан-кунга ортиб бормоқда.

МИЛЛИОНГА БАҲОЛАНГАН... ЧЎЧҚА

Кўплаб "қора бозор" корчолонларини чув туширган чўчка ҳақида эшитганмисиз?

Германиядаги Хильдесгейм шаҳар полициячилари ўзларининг изқувар чўчкалари билан бемалол фахрлана оладилар. Бу "изқувар"нинг ҳид билишидан безор бўлган ва беҳисоб бойликларидан айрилган наркотикичилар унинг "каласини" бир неча миллионга баҳолаб, йўқ қилиш пайига тушганлар – уддалай олмаганлар.

Далилларга таяниб айтиш мумкинки, чўчкалар ўзларининг анчагина онглиги ва унча-мунчани яхши тушуниб, англаши билан ажралиб турадилар. Криминалистларга чўчкаларнинг, айниқса, ер титкилаши қўл келади – ўлдириб, қўмиб ташланган мурдаларни топишда чўчкага тенг келадигани йўқ.

ПОЛИЦИЯЧИ ШЕРЛАР

Хукуқ-тартиботни сақлаш ишларида турли наслдаги итлардан фойдаланилиши ҳаммамизга маълум. Каракаслик полициячилар эса кўпдан буён бу ўринда шерлар хизматидан фойдаланадилар.

Бунинг учун шерлар жуда ёшлигидан бошлаб "ўз касбларига" ўргатилади, кейин "хизматга қабул қилинади". Шерлар банкларни, йирик корхоналарни, супермаркетларни, ҳатто хусусий уйларни ҳам қўриқлайдилар.

Фабрикалардан бирида Симба лақабли қоровул шер сейф бузаётган иккита босқинчини "тутиб" олган. У қулфбузарларни тун бўйи – тонг отиб, полициячилар келгунига қадар жойида "тутиб" турган. Бундай қоровул нигоҳига тушган қулфбузарларнинг полициячиларни кўриб, қувонганини таърифлаш қийин. Шерлар одамга тез ўрганадилар. Каракас полициячилари ўз "танқўриқчи"ларининг бўйинбоғидан ушлаб, кўчаларда бемалол юраверадилар.

ОНАЛИК ТУЙҒУСИМИКИН?

Инсоннинг, айниқса, оналарнинг кўнглидаги ҳис-туйғулари, хавотиру хавф-ташвишлари кўпинча ўринли бўлиб чиқади ва "кўнглим шундай бўлишини сезган эди" деган гапни кўп эшитамиз. Лекин сигирнинг "кўнглида" оналик туйғуси қай даражада бўлишини биласизми?

Италиядаги шаҳарлардан бирида оддий сигир ўзидаги полициячиларга хос сезгирликини, тўғрироғи, оналик туйғусини намойиш этди. У полициячиларни бузогини ўғирлаган одамнинг уйига тўппа-тўғри бошлаб келди. Сигир гўё изларни ҳидлаб кетаётгандек бошини эгиб, бир неча километр йўл босди. Кейин бир дарвоза қаршида тўхтаб... ўғрилар айна бузоқни сўймоқчи бўлиб туришганда она сигир шохи билан дарвозани очди...

ТЕМИР-ТЕРСАК ЙИҒИШДАГИ ЯНГИЛИК

Кировограднинг Александров шаҳри кўчаларидаги канализация қудуқлари қопқоқлари ўз-ўзидан йўқола бошлади. Уларни қўриқлашнинг иложи йўқ –

иш бошдан ошиб ётибди. Шундай бўлса ҳам хукуқ-тартибот ходимлари бир неча марта рейд ўтказиб, қопқоқ ўғриларини туттишга уриндилар – натижа бўлма-

ди. Охири бир неча дақиқада иккита кўча чорраҳасидаги саккизта қудуқнинг қопқоғи йўқолган тоқати тугаган милиционерлар Дик лақабли хизмат ити-

дан фойдаланишга мажбур бўлдилар. Дик милиционерларни яқин орадаги темир-терсак қабул қилиш пунктига олиб келди ва у ерда 22 ёшли ўғри йигит далилий ашёлар билан қўлга олинди.

ҚЎРҚИНЧАН ЎЧ

Хорватиядаги шаҳарчалардан бирида яшовчи Дагмар Видовичнинг ота-онаси кичкинагина кучукчаларини сайр қилдириб юрардилар. Қутилмаганда буталар орасидан баҳайбат питбульерьер зотли ит эгасини ҳам йиқитиб, югуриб чиқди ва ғажиб ташлайдиган алфозда кучукчага ёпишди. Дагмар ота-онасининг қий-чуви ва кучукчасининг ангиллашини эшитиб, шу заҳоти

ёрдамга югурди. Бир неча марта уриниб ҳам кучугини ваҳший итнинг оғзидан тортиб ололмаган Дагмар ҳам жон-жаҳди билан питбульерьернинг бўйнидан тишлади. Эси чиқиб кетган ит оғзидан қонга беланган кучукчани ташлади-ю, ангиллаганича, қочиб кетди.

Кучукчани шифокорлар даволаб, оёққа тургиздилар. Лекин қиз боланинг тиши зарбини тотиб кўрган питбулнинг ҳоли нима кечгани номаълум.

ШУНИСИ ЕТМАЁТГАН...

Ўғригиналар нималарни ўғирламайди, дейсиз. Лекин Иваново-Франковск вилоятининг Дуба ва Перечинск қишлоқлари орасидаги 3 км. лик темир йўл рельсларини ўмариб кетганларга ҳар қандай ўғрилар ҳам "офарин" дейишса керак. Бу тор темир йўл излари юз йил аввал қурилган бўлиб, иккала қишлоқ орасида ёғоч ва бошқа юкларни ташиш ишларига мўлжалланганди.

Қизиғи, шундай оғир темир рельсини ким, қачон, қандай қилиб кўпориб кетганини ҳеч ким кўрмаган...

... ЯНА АНТИҚА ЎҒРИЛИК ҲАҚИДА

Машҳур хирург-олим Н. Пирогов тирикчилигида қанча одамнинг ҳаётини сақлаб, кимларгадир жон бағишлаган. Шунинг учун у одамлар орасида иззат-ҳурматга эга бўлган.

Лекин Н. Пироговнинг Винница вилоят касалхонаси биноси олдидаги 75 йилдан буён савлат тўкиб турган 50 килограммлик ҳайкали кимга, нима учун керак бўлгани жумбоқ.

Милиция ходимлари май ойининг охирида хирург-олимнинг ана ўша ажойиб бюстини ўғирлаган, илгари бир неча марта судланган 33 ёшли Игор Д. ва шерикларини қўлга туширдилар. Н. Пироговнинг ҳайкали жойига ўрнатилди.

"ИХТИРО"

Челябинск бозорларидан бирида босқинчиликнинг янгича тури аниқланди. Унда ўғри йигитлар беморларнинг қорига яровчи оддий шприцдан фойдаланганлар.

... Қўлидаги каттагина сумка тўла пулни бемалол кўтариб кетаётган тадбиркорнинг биллагини ари чаққандек бўлди-ю, у қичқириб юборди. Натижада атрофдагилар унга эътибор бердилар – сумкага чанг солган бошида ёмғирпўши бўлган плаш кийган йигитни маҳкам ушлашди. Қичқирган заҳоти хушдан кетган тадбиркор 30-50 дақиқалардан кейин хушига келди.

Ўғри-босқинчилар шприцга вақтинча қарахт қилиб, хушсизлантирувчи суюқ дори тўлдирган эканлар. Ҳозирча бундай "ихтиро" ўғри-босқинчилардан учтаси ёнида дори тўла шприц билан қўлга тушдилар.

УРАННИНГ НАРХИ НЕЧА СЎМ?

Арман миллатига мансуб тўртта Россия фуқароси Закарпатьеннинг Берегово шаҳрида... 2 кг. уран радиоактив моддасини сохтаётганда қўлга тушдилар. Сотувчилар "маҳсулот"ларининг нархини тушира-тушира эндигина килограммини 35 минг АҚШ долларидан сотиб олишга рози бўлган харидор топганларида ишлари чаппасига кетди.

АВТОМАТА... ҚУЁН ОВИГА

Свердловск вилояти ўрмонларида ов мавсуми бошланди. Асосий овчилар – қонунсиз ов қилишга интилаётган "янги руслар"-браконьерлар бўлиб, уларнинг ов қуроли – автоматдан тортиб ўрмаловчи техникалардан иборат бўляпти.

Натижада улар қуён каби майда жониворларни овлашда ҳам ваҳимали қуроллардан фойдаланиб, ҳақиқий овчиларнинг ҳаётига хавф солмоқдалар. Қонунга зид бу ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган бўлсада, браконьерлар арзимас жарима билан қутулиб кетмоқдалар. Асосий муаммо эса битта – ҳақиқий овчига 5-10 тадан браконьер тўғри келишидир. Бу қонунбузарни тутиб, унга жазо бериш эмас, уларнинг тасодифий ўқига дуч келиб қолишдан эҳтиёт бўлишни талаб этади.

Красноярск ва Ставрополдан келиб, Бадалово қишлоғида вақтинча ижарада яшаётган юқоридаги одамларнинг уйи тинтув қилинганда яна 18 кг. уран моддаси борлиги аниқланди. Олимлар текшириб, бу бойитилган уран эканлигини билдирдилар.

"Маҳсулот" Красноярскдаги радиоактив моддаларни қайта ишлаш корхонасидан ўғирланган экан. Унинг ҳақиқий баҳоси кўплаб миллион доллар бўлгани ҳолда ношуд сотувчилар 20 кг. уранни улгуржисига 1 миллион 200 минг долларга сотишга рози бўлганлар.

ТОПИЛДИК

Бошлиқ ишга янги қабул қилинган кўхликина қотибасига демоқда:

– Зўрсиз! Ўта билимдон экансиз! Сиздақасини тополмай юргандим. Атиги иккита имло хато қилдингиз холос, раҳмат! Энди иккинчи сўзга ўтамиз...

ТОМОШАБИНЛАР ТАЛАБИ

Ёшгина қиз илк бор қўшиқ айтмоқда. Қўшиғи тугаши билан томошабинлар орасида шов-шув кўтарилди:

– Яна айтсин!
– Қиз яна айтди.
– Яна айтсин!

Бу ҳол бир неча марта такрорланди. Охири тинкаси

қуриган қўшиқчи:

– Худойим, чарчаб кетдим. Яна қанча қўшиқ айтаман?
– деди.
– Қўшиқ айтишни ўрганмагунингча! – бир неча томошабин баробар қичқирди.

ЙЎЛИНИ ТОПДИ...

Бир дугона иккинчисига деди:

– У ҳадеб менга сўйкалавергандан кейин "сени қўришни ҳам истамайман", дедим.
– У-чи?
– Турди-да, чирокни ўчириб қўйди...

Хориж матбуоти материаллари асосида Лазизбек тайёрлади.



Бу ҳодиса 1999 йил 11 август кунини соат 17.01 да юз берди...


СУПЕРКРОССВОРД

Бўйига: 1. Диний одатлардан бири. 2. Кичик Антил оролларидаги давлатлардан бири. 4. Қадимги Рим жойлашган етти тепаликнинг бири. 5. Баҳор бўлути. 6. Эронда қўшин бошлиғи. 7. Тоғ ўсимлиги, раъно тури. 9. Америкалик назариётчи ва физик-химёгар, Нобель мукофоти соҳиби. 11. Тери ошларда ишлатиладиган ўт. 21. Мисрда нашр этиладиган кундалик рўзнома. 22. Арабистон ярим оролидаги давлат. 24. Ўсимлик дунёси. 25. Қозогистондаги дарё. 26. Республикамиздаги дарё. 27. Ўзбекистон валютаси. 28. Олмон физиги. 30. Яқин туғишган қариндош. 35. "Жижи Қўрагоний"ни насх хати билан кўчирган самарқандлик ҳаттот. 36. Уй ҳайвони. 37. Маҳкамловчи деталь. 38. Бақирит тушунтирсанг ҳам тушунмайдиган одам. 39. Якшанба куни бериладиган овознигор эшиттиришларидан бири. 40. Хўл мева. 41. Магнитнинг шарқона номи. 43. Ўртаер денгизидagi давлат. 46. Рангсиз заҳарли суюқлик. 47. Бобурийлар империясининг ҳукмдори, Бобурнинг набираси. 49. Хон саройида ёзув ишларини олиб боровчи шахс. 55. Нафрат. 56. Кичик бўлак. 57. Сув ҳавзаси. 59. Фаранг бастакори. 60. Ҳақиқий ўзбекона лаззат. 61. Осиёдаги давлат. 63. Араб алифбосидаги ҳарф. 65. Кимки унга йўлиқса албатта сесканади. 69. Баргларини нашта-симон, шохининг учиди тўпгул ҳосил қилувчи заҳарли яшил бута. 70. Ҳиндистондаги шаҳар. 72. Афсонавий жанговар аёл. 73. Босниядаги шаҳар. 74. Республикамиздаги шаҳар. 76. АҚШдаги штатлардан бири. 77. Хўл мева. 78. Сурхондарёдаги дарё. 87. Ўсимликларнинг энг содда тури.

Энига: 3. Мушакларнинг қаттиқ тортиши натижасида қўл-оёқнинг ишламаслиги касаллиги. 8. Дуккадошларга мансуб кўп йиллик ўт. 10.

Мембранали урма чолғу асбоби. 12. Россиянинг 1-императори. 13. Ёқилги тури. 14. Муслмон аҳлининг муборақ куни. 15. Қозоқ маърифатпарвар шоири. 16. Қирғовулсеимонлар оиласига мансуб сайроқи қуш. 17. Қадимги Русь князи. 18. Пакана дарахт. 19. Арабчада худонинг номи. 20. Хорижий автоулов русуми. 23. Қитъа. 26. Аёллар исми. 29. Сайр қилиб, хордиқ чиқариб дам оладиган жой. 31. Ботир, довжорак. 32. Рақсадаги ҳаракат. 33. Хитойда ер ўлчов бирлиги. 34. Республикадаги жамғармалардан бири. 39. Андижон вилоятидаги дарё. 42. Юнон алифбосининг 3-ҳарфи. 44. Тўтиқуш тури. 45. Уйда қосибчилик қилиш усули. 48. Кузатиш жойининг меридиан текислиги билан кузатилаётган объектдан ўтган текислик орасидаги бурчак. 50. Шимолий Америка ўрмонларида яшовчи бугусимон жуфт тўққли ҳайвон. 51. Мовароуннаҳрда қузги ҳосилдан олинган солиқ. 52. Ёқут халқ қаҳрамонлик эпоси. 53. Таом тури. 54. Самарқанддаги тарихий ёдгорлик. 58. Олмон ёзувчиси, Нобель мукофоти соҳиби. 61. Чаманзор, бўстон. 62. Байрамолди ва байрам кунлари. 64. Мусиқий нота. 66. Зар қаддини билади. 67. У очилган гулларни ёқтиради. 71. Тошнинг қаттаси. 75. Деҳқончилик анжуми. 79. Ўсимлик ёки дарахт ҳосили. 80. Қозогистондаги кўҳна шаҳар. 81. Оксаниядаги давлат. 82. Мураккабгулдилар оиласига мансуб кўп йиллик ҳушманзарали ўт. 83. Ҳиндистонда муомаладаги майда танга. 84. Европа ва Америка санъатидаги услубий йўналиш. 85. Бахши, дoston айтувчи. 86. Португал денгизчи сайёҳи. 88. Цирк артисти. 89. Уй ҳайвони. 90. Биринчи ўзбек фазогири. 91. Шоҳмат бўйича жаҳон чемпионларидан бири.

Тузувчи Т. УМАРОВ.



ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЎТГАН СЕНИДА ЧОП ЭТИЛГАН СУПЕРКРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Энига: 1. Товаршунослик. 4. Гурунг. 8. Телевизор. 9. Академик. 12. Радиогониометр. 16. Трос. 17. Олакўзан. 19. Тозабобб. 21. Зуннунова. 22. Домино. 26. Африка. 30. Тазкира. 32. Озон. 33. Одесса. 34. Ринг. 36. Осетин. 37. Фалсафа. 38. Чарлар. 39. Себзор. 40. Оқова. 43. Зар. 44. Старт. 45. Қарши. 48. Риёзиёт. 50. Карбюратор. 53. Ямайка. 55. Бадиҳа. 57. Елвизак. 59. Мушоира. 61. Тансиқбоев. 62. Сметана.

Бўйига: 1. Тупроққўргон. 2. Сиртлон. 3. Италия. 5. Радон. 6. Гидроакустика. 7. Хаваскор. 10. Мураббо. 11. Пенза. 13. Драйзер. 14. Газ. 15. Октов. 18. Ниначи. 20. Бронза. 23. Нурпейсов. 24. "Запорожец". 25. Атиргул. 27. Ионосфера. 28. Амортизатор. 29. Индикатор. 31. Скафандр. 35. Афросиёб. 41. Азот. 42. Мирмухсин. 46. Қишмиш. 47. Эксперт. 49. Ниагара. 51. Беҳи. 52. Туб. 54. Шарқ. 56. Далв. 58. Ван. 59. Мис. 60. Онт.

Муаммонима: Кейптаун.

СПОРТ БАЙРАМИ ЎТКАЗИЛДИ

Андижон вилояти ИИБ раҳбарияти шахсий таркибининг оила аъзолари билан ҳам яқиндан алоқа ўрнатган. Бу уларнинг маънавий даражасидан, оилавий ахлоқидан яхшироқ хабардор бўлиш, керак бўлганда зарур ёрдам кўрсатиш, пировард натижада эса хизмат самарасини ошириш имконини беради.

Айниқса, ёш ходимлар билан ишлашга алоҳида эътибор берилди. Авваламбор, ёшларни милиция сафига қабул қилишда тегишли кўрсатма ва буйруқларга қатъий амал қилиниб, энг муносиб йигит-қизлар сараланади. Бошланғич тайёрлов курсларини муваффақият билан тугатганлар ота-оналари, турмуш ўртоқлари билан бошқарма клубига йиғилишади. Бу ерда раҳбарлар, факрийлар улар билан дилдан суҳбатлашади, қимматли ўғит ва маслаҳатларини беришади. Ёшларга ички ишлар ходимлари олдига қўйиладиган юксак талаблар эслатилади, ўз шаънига доғ тушириб қилишига яраша жазо олган ходимлар ҳақида "Сўнгги пушаймон" ҳужжатли фильми намойиш этилади. Бу кенг қамровли ишларнинг бир қисми, ҳолос. Натижа ёмон бўлмапти. Сўнгги йилларда ходимлар, хусусан, ёш ходимлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар кескин камайди.

Яқинда ҳам ажойиб тадбирлар мажмуи ўтказилди. Андижондаги теннис кортида спортнинг бу турини ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ва уларнинг оила аъзолари ўртасида омалаштириш мақсадида туман-

ларда голиб бўлган оилавий жуфтликлар, яқка ҳаваскорлар ўртасида мусобақалар бўлиб ўтди. Тадбир спорт байрамига айланиб кетди. Уч кун давомида туманлардаги барча ходимларнинг оила аъзолари Андижонда меҳмон бўлишди. Мусобақалар олдидан эл оғзига тушган санъаткорлар иштирокида концерт берилди. Сўнг оилавий висториналар уюштирилди. Болакайлар ўзларининг қаққонлигини, билагонлигини, зукколигини намойиш этишди. Голибларга совғалар топширилди.

Теннис мусобақалари шахсий ва оилавий биринчилик учун бўлиб ўтди. Томошага келган ходимларнинг анча-мунчаси кўллари ракетка ушлашни ҳам тузук билишмасди. Беллашувлар охирида: "Э, ўзимизга ўхшаганлар бинойидай ўйнашпти-ку, ўрганса бўларкан-да!" деб тарқалишди. Дарҳақиқат, шундоқ ҳам кам насиб этадиган дам олиш кунларида ходимлар ана шундай ҳам завқли, ҳам жисмонан, ҳам руҳан фойдалли спорт тури билан шуғуллансалар, ёнларига бола-чақаларини олсалар бўларкан-ку.

Албатта, яқка голиблар, кучли оилавий жуфтликлар аниқланди. Лекин муҳими бу эмас. Муҳими, олис туманлардан келган ички ишлар ходимларининг оила аъзолари уч кун давомида мазза қилиб хордиқ чиқаришди, ўзлари хизматда бўлган ходимларнинг кўнгиллари ҳам тоғдай кўтарилди.

Б. АЗИМОВ,
милиция лейтенанти.

MUNAJJIMLAR BASHORATI 16 — 22 avgust

ҚҲЙ (21 март — 20 апрель)



Ушбу ҳафта давомида пайшанба куни қутилаётган асабийлашишдан бўлак муаммо юзага келмайди. Душанба куни муҳим янгиликдан хабар топасиз, чоршанба куни эса ишқий саргузаштни бошингиздан кечирасиз. Шанба — муваффақиятли харид кунидир.

СИГИР (21 апрель — 21 май)



Бошлиқлар билан келишмовчилик ва соғлигингизнинг намоеъни этиш имконияти бор. Аммо кейинги кунлар меҳнат фаолиятингизни бушаштирмасликка, дадил фикрлашга ҳаракат қилинг. Зеро, илгари сураётган гоёларни ҳамкасбларингиз қўлламаслиги мумкин.

ЭГИЗАКЛАР (22 май — 21 июнь)



Душанба-сешанба кунлари касб маҳоратингизни намоеъни этиш имконияти бор. Аммо кейинги кунлар меҳнат фаолиятингизни бушаштирмасликка, дадил фикрлашга ҳаракат қилинг. Зеро, илгари сураётган гоёларни ҳамкасбларингиз қўлламаслиги мумкин.

ҚИСҚИЧБАҚА (22 июнь — 23 июль)



Сешанба кунги келишмовчилик фаоллигингизга таъсир кўрсатмайди. Пайшанба куни молиявий ютуққа эришиш имконияти бор. Дам олиш кунлари уй юмушлари билан машғул бўлишни маслаҳат берамиз.

АРСЛОН (24 июль — 23 август)



Меҳнат ютуқлари асосан сешанба ва жума кунлари қутилмоқда. Пайшанба куни ҳамёнингизга пул тушади. Шанба куни узоқ вақт қутилган ишқий саргузаштнинг гувоҳи бўласиз. Якшанба куни эса қариндошларингиз билан низо келиб чиқиши эҳтимолдан холи эмас.

БОШОҚ (24 август — 23 сентябрь)



Мазкур ҳафта жуда кўнгилли бошланади. Душанба ва сешанба кунлари баракали меҳнат қилиб, моддий аҳволингизни яхшилаб оласиз. Муҳим ишбилармонлик учрашуви пайшанба куни бўлиб ўтади. Жумадан якшанбагача асосий вақтингизни саломатлигингизни тиклашга сарфланг.

ТАРОЗИ (24 сентябрь — 23 октябрь)



Ушбу ҳафтанинг бошида ўз ҳақлигингизни исботлаш учун кўп куч сарфлашингизга тўғри келади. Пайшанба куни алданиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Дам олиш кунларидаги сафарлар муваффақиятли ўтади.

ЧАЁН (24 октябрь — 22 ноябрь)



Душанба кунги хушxabар ҳамда сешанба куни қўлга киритиладиган меҳнат ютуқлари кайфиятингизни кўтариб юборади. Пайшанба куни ҳам жараятган ишингизда зафар кучишингиз мумкин. Ижод билан шуғулланиш учун шанба кулай кундир. Якшанба куни эски қадрдонингиз ўзидан хабар беради.

ЕЙ (23 ноябрь — 21 декабрь)



Ҳафтанинг бошида саломатлигингиз билан боғлиқ муаммоларнинг юзага келиши белгиланган режаларингизни барбод қилади. Чоршанба куни "қогоз ишлари"ни нихоясига етказишни маслаҳат берамиз. Якшанба куни қутилганда моддий ютуқни қўлга киритишингиз сизга бир олам завқ бағишлайди.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь — 20 январь)



Дастлабки кунлар келажак ҳақида хотиржам ўйлаб кўриш ва куч-қувватингизни нималарга сарфлашни режалаштириш имконияти бор. Кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни бажаришга чоршанба кунни мўлжаллаганингиз маъқул.

ҚОВЕА (21 январь — 19 февраль)



Сешанба — ажойиб учрашувлар кунидир. Чоршанба куни олисдан хушxabарлар эшитасиз. Пайшанба-жума кунлари ҳар қандай ижодий режаларни амалга оширишда омад қулиб боқади.

БАЛИҚ (20 февраль — 20 март)



Душанба куни баракали меҳнат қиласиз. Сешанба куни молиявий ютуққа эришингиз мумкин. Ишқий саргузаштни жума куни бошингиздан кечирасиз. Дам олиш кунларидан айниқса, якшанба омадли ва муваффақиятли кечади.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI IV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ:

700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy
ko'chasi, 1

Gazeta haftaning juma
kunlari chiqadi.

Bosh muharrir Zokir ATAYEV

Muharrir
Erkin SATTOROV
(Bosh muharrir
o'rinbosari v.b.)

Navbatchi:
S. SHAMSIDDINOV
Musahhihlar:
M. AKRAMOVA
G. XOLIQOVA
Sahifalovchi va dizayner:
A. MIRZAMUHAMEDOV

TELEFONLAR:

Bosh muharrir
o'rinbosari — 139-77-23.

muxbirlar

bo'limi 139-75-69.

Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari
bo'yicha murojaat uchun
faks: 54-37-91.
peyjer: (088) 36-97, 55-19.

Reklama bo'limi
peyjer .. (088) 55-54, 55-19.

Bizning hisob raqamimiz
O'zbekiston Respublikasi
Markaziy banki
Toshkent shahar Bosh
boshqarmasi hisob-kitob —
kassa markazida:
21506000200447980001,
MFO 00014.

- Ko'chirib bosishda
«Postda» dan ekanligini
ko'rsatish shart
- Maqolada keltirilgan
raqamlar, faktlar va boshqa
ma'lumotlar, shuningdek,
ochiq e'lon qilinishi mumkin
bo'lmagan ma'lumotlar
uchun muallif javobgar
hisoblanadi.
- Muallifning mulohazasi
tahririyat fikriga mos
tushmasligi mumkin.
- Qo'lyozmalar tahlil
qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta IBM kompyuterida
terildi va sahifalandi.

Ro'yxatdan o'tish
tartibi № 00007.
Buyurtma f — 0646.
Hajmi — 4 bosma taboq.
Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish
vaqti — 19.00.
Bosishga
topshirildi — 18.00.

Obuna raqami — 180

93 714 nusxada
chop etildi.

«SHARQ»
nashriyot-matbaa
konserni bosmaxonasi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi
41-uy.

1, 2, 3, 4, 5, 6.

Самарқанд вилояти ИИБ ва Самарқанд шаҳар ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби шаҳар ИИБ профилактика хизмати бошлиғи милиция подполковниги Абдулла Ахатовга онаси
Санобар АХАТОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадилар.